3-штольня горизонтнинг мутлақ баландлиги	Тоғ жинсларининг номланиши	Штольня атрофидаги баландликдан 3-штольнягача бўлган масофа, м	Ўлчанган мустаҳкамлик коэффициенти-S	Квершлаг юқори қисми деворлари мустаҳкамлик даражасига кўра тоифага ажралиши	Штольня атрофидан горизонтгача бўлган мутлақ баландлик, (м)	Ўлчанган мустаҳкамлик коэффициенти «S»	Квершлаг юқори қисми деворларининг мустаҳкамлик даражаси
Горизонт + 1272м	Квирцли диорит порфирли	57	5,4	Юқори мустаҳкам	378	0,8	Мустаҳкам бўлмаган, бардошсиз участка
	Метосаматит	57	4,9	Юқори мустаҳкам	378	0,74	Мустаҳкам бўлмаган, бардошсиз участка
	Скарнли гранит, пероксин таркибли	57	5,5	Юқори мустаҳкам	378	0,82	Кам мустаҳкам, бардошли участка

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

1. Коннинг геологик-морфологик тузилишин муфассал ўрганиш.
2. Кондаги тоғ жинсларнинг физик-механик хосса ва хусусиятларини ўрганиш.
3. Тектоник ёриқлар учраган жойларда яхши мустаҳкамлагич ўрнатиш.
4. Тоғ жинсларнинг ёриқланиш хусусиятларини ўрганиш.

Келтириб ўтилган таклифлар амалга оширилса, эҳтимол қазийш ишлари олиб борилганда юқоридаги келтирилган муҳандис-геологик жараёнларнинг олдини олиш ва баҳолаш имкони яратилади.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Арипова Ф.М., Мирасланов М.М. и др. Физико-механические свойства горных пород рудных месторождений Узбекистана: справочник.-Т.: Типография центра по науке и технологиям, 2006.
2. Мирасланов М.М. Инженерная геология, гидрогеология месторождений твердых полезных ископаемых Узбекистана.-Ташкент, 2011.-146-164 с.
3. Мирасланов М.М. Основные требования, цель и задачи инженерно-геологических исследований на разных стадиях разведки МТПИ. В сб. Гидрогеологические и инженерно-геологические исследования в Узбекистане. Тр. Ин-та ГИДРОИНГЕО. Ташкент, 1992.

## КАЛИЙ РУДАЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА ЧИҚИНДИЛАРНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ ПАСАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ

Латинов З.Ё.- катта ўқитувчи; Каримов Ё.Л. - кафедра мудири., Хўжакулов А.М. – катта ўқитувчи; Авлакулов А.М. - - ассистент; Шукуров А.Ю. - ассистент (ҚарМИИ)

*В работе освещаются проблемы освоения калийных руд и анализ способов снижения негативного воздействия отходов на окружающую среду. Представлены рекомендации использования отходов Тубегатанского рудника сильвинита и отходы переработки Дехканабадского завода калийных удобрений.*

**Ключевые слова:** калий, калийные удобрения, переработка сильвинита, отходы добычи, отходы переработки, выработанное пространство, закладка, закладочная смесь.

*The article presents the problems of potash ore development, analysis of ways to reduce the negative impact of waste on the environment. Recommendations for the use of waste from the Tyubegatan sylvinite mine and processing waste from the Dekhkanabad potash fertilizer plant are presented.*

**Key words:** potassium, potash fertilizers, silvinit processing, mining waste, processing waste, worked-out space, backfill, backfill mixture.

Ҳозирги даврда кун сайин ривожланиб бораётган давлатларда калий агрооламда калийли ўғитлар шаклида, энергетика тармоқларида электроқопламаларда ва ядрореакторлари совутгичларида, медицина соҳасида калийпероксид ( $K_2O_2$ ) ишлаб чиқаришда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида янги маҳсулотлар яратишда кенг миқёсда қўлланилмоқда [1].

Иқтисодиёти асосан аграр соҳага таянувчи давлатларда озик-овқат тақчиллигини камайтириш, экспорт салоҳиятини кўтариш учун серҳосил ўсимликлар навларини яратиш ва улардан олинadиган ҳосилни сақлаш ва ҳосилдорликни кўпайтиришда калий ўғитларига эҳтиёж сезиларли даражада кўпаяди [2]. Калий ўғитлари - сильвинит минерали таркибида эримайдиган моддаларни аралашмалар сифатида ўз ичига олган силвин  $KCl$  ва галит  $NaCl$  аралашмасини қазиб олиш ва бойитиш жараёнларини амалга ошириш орқали тайёрланади.


Калий рудалари асосан Канада, Россия, Белоруссия, Бразилия, Хитой, Германия, АҚШ, Ўзбекистон, Туркменистонда қазиб олинади. Калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари фоизлар кесимида куйидаги 1-расмда келтирилган [3,4]. Дунёдаги энг йирик калийли ўғитларини ишлаб чиқарувчи компанияларнинг иш ҳажми ҳолати куйидаги 2-расмда келтирилган.

Калий ишлаб чиқариш ҳамда калий захиралари  $K_2O$  нинг қайд этилган дунё захираларининг 82,2%ини Верхнокамск калий-магнийли туз кони (“Уралкалий” ОАЖ ва “Сильвинит” ОАЖ, Россия) ва Саскатчеван туз ҳавзаси (Канада) ташкил этади, шунингдек Германиядаги калий тузлари конлари ва Старобинск конлари (Белоруссия) ҳам улкан захира ва калий ишлаб чиқариш қувватига эга [5].


Ўзбекистон Республикасида калийли ўғитлар “Дехқонобод калий заводи” АЖда ишлаб чиқарилади, у 2010 йил июль ойида фойдаланишга топширилган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати йилига 1200 минг тонна сильвинит рудасини ва шундан калийни ажратиб олиш қуввати 27 фоизни ташкил этади [6].

Бугунги кунда калий тузини ишлаб чиқариш атроф-муҳитга салбий антропоген таъсир кўрсатмоқда ва бу жиддий экологик оқибатларга олиб келиши мумкин. Калий тузи конларини эксплуатация қилиш жараёни ишлаб чиқариш фаолияти давомида бир қатор салбий экологик муаммоларни келтириб чиқариши аниқланди. Салбий оқибатлар таркибига кон худуди ва конга чегарадош худудларда ер сатҳининг чўкиши, калийни ишлаб чиқариш

жараёнида ҳосил бўлган туз-чиқиндиларни қайта ишлаш мажмуасида йиғиш, жўнатиш, сақлаш жараёнларини амалга ошириш зарурияти ва сақланадиган жойларда ер майдонларидан фойдалана олмасликда намоён бўлади [7, 8].



1-расм. Калийли ўғитлар ишлаб чиқарадиган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, фойзалар кесимида



2-расм. Дунёдаги энг йирик калий ишлаб чиқарувчи компанияларнинг иш ҳажми.

Туз чиқиндиларини ва техник тузни сақлаш жойларини ер юзига жойлаштириш атроф-муҳитга қуйидаги салбий таъсир кўрсатмоқда [9].

1) Катта миқдордаги ер ресурслари талаб қилинади [10];

2) Техник туз ва калий рудаларини қазиб олиш натижасида ҳосил бўлган чиқиндилар корхона атрофидаги ҳудуд литосфераси, гидросфераси ва экологиясининг доимий ифлосланиш манбаи ҳисобланади;

3) Вақт ўтиши билан калий рудалари чиқиндиларини сақлаш жойлари яқинида шамолнинг доимий йўналиши бўйича ва ер ости сизот сувларини таъсири остида тупроқларнинг шўрланиши ҳолатлари, ер ости ва ер усти сувларининг ифлосланиши.

Тепакўтон конида қазиб олинган сильвинит рудасибойитиш мажмуасида қайта ишланади, калий хлорни олиш учун флотация усулида сильвинит рудаси бойитилади. Шу билан бирга, флотация усули тузли аралашмани ўз ичига олган сильвинит рудаларидан калий хлоридни ажратиш олиш учун самарали ҳисобланади. Калий хлоридни ажратиш олиш даражаси 92-96% га етади.

Калий ўғити тайёрлашнинг технологик жараёнининг асосий босқичларини амалга оширишда (*қазилган рудани майдалаш, тайёр маҳсулотни қуриштириш ва гранула ҳолатига келтириши*) сильвинит, калий хлорид ҳамда бошқа моддалар чанг ва буғ ҳолатида атмосферага чиқарилади. Бундан ташқари, калий хлоридни қуришганда, азот, олтингугурт, углерод оксидлари, қурум ва ишлатиладиган табиий газнинг тўлиқ ёнмаган қисми атмосферага чиқарилиб ноқулай экологик вазиятни юзага келтиради.

Хом ашё, яъни сильвинит рудасини қайта ишлаш ва бойитиш жараёнида ҳар йили юз минглаб тонна қаттиқ галит чиқиндилари ва минглаб тонна тупроқ (*глина*) - тузли шламлар ҳосил бўлади. Туз чиқиндилари эгаллаган майдон аста-секин кенгайиб бормоқда ва шламни сақлаш жойлари экологик хавфли ҳудудларга айланмоқда. Сильвинитни қайта ишлаш жараёнида фойдали компонентнинг чиқинди таркибига қўшилиб чиқиб кетишини камайтиришни таъминлаш учун тупроқ (*глина*) шламдан тўғри фойдаланишни ташкил этиш чиқариладиган маҳсулот ҳажмини ошириш баробарида чиқиндилар ағдармаси майдонини сезиларли даражада кичрайтирилиши ва атроф-муҳитга тарқаладиган зарарни камайтирилишига эришилади.

Тепакўтонконида иш олиб бораётган Тоғ-кон мажмуасида сильвинит рудасини қазиб олиш учун камера-устунли қазилма тизими технологиясидан фойдаланилади [11]. Бу технологияни конда қўлланилишида асосий экологик аҳамиятга эга манбалар қуйидагилардан иборат [11]:

- ер ости кон ҳудудини шамоллатиш жараёнида газ-ҳаво аралашмаларининг ҳосил бўлиши (3-расм);
- қазилган барча турдаги лаҳимлардан кондицион бўлмаган газ чиқиши (3-расм);
- турли таркибли тузларга тўйинган қатлам бўйлаб ер ости сув оқими вужудга келиши;
- коннинг бирламчи кон қурилиш ва қазилма ишлари олиб борилаётган ҳудудда геодинамик фаолликни кучайиши;
- сильвинитни қайта ишлаш чиқиндилари ва пуч тоғ жинсларини сақлаш учун ер юзасида катта ўлчамдаги ағдарма майдонлари (4-расм);
- қазилган ва майдаланган рудани ер ости ва ер устида юклаш-тушириш ҳудудлари;
- майдаланган сильвинитни конвейер ва автомобил транспортида ташиш ҳудудлари (5-расм);
- ер ости лаҳимлари бўйлаб ишлатилган кон ҳавосини ствол атрофи майдони орқали чиқариш;
- қазилма жараёнида янчилган сильвинитни кимёвий ва физик саноатбоп кондицион ўлчамга келтириш ва вақтинча сақлаш жойлари (*Тоғ-кон мажмуаси ва бойитиш фабрикасида*, 5-расм.).

Юқорида келтирилган манбалар “Дехқонобод калий заводи” АЖ тасарруфидаги Тоғ-кон ва бойитиш мажмуаларида 2010 йилдан бери мавжуд.



3-расм. Шахтадан ишлатилган газ-ҳаво аралашмасининг №2 ва №3 шамоллатиш стволлари орқали чиқиши



4-расм. Тепакўтон тоғ-кон мажмуаси ҳудудидagi қазилган техник туз ва сильвинитни қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларининг ағдармаси



5-расм. Сильвинит рудалари таркиби кимёвий ва физик саноатбоп кондицион ўлчамга эга бўлиши учун дастлабки тайёрлаш ва сақлаш майдони

Хорижий давлатларда техник туз чиқиндиларидан ош тузини ишлаб чиқариш учун иккиламчи хом ашё сифатида ишлатилиб, техноген қолдиқ чиқиндилар денгизларга ташланади ёки қазиб ўтилган ер ости кон лаҳимларини тўлдириш технологиясида қўлланилади.

Таркибида NaCl 90% гача бўлган галит чиқиндилари сода, хлор ишлаб чиқаришга ва бошқа баъзи саноат тармоқлари учун хом ашё сифатида ишлатилиб келинмоқда. Бироқ, бу фақат ўзлаштирилган калий конлари яқинида жойлашган корхоналар учун тавсия этилади.

Тепакўтон конидаги тоғ-кон мажмуасидан қазиб олинган сильвинит рудалари бойитиш учун 46,5 км масофага автосамасваллар ёрдамида қайта ишлаш мажмуасига ташилади. Заводда қайта ишлаш-бойитиш жараёни қолдиқ галит чиқиндилари Тоғ-кон мажмуасига

қайтариледи. Сильвинит рудасини қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларининг таркиби қуйидагича (1-жадвал):

1-жадвал

**Сильвинит рудасини қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлган чиқиндиларининг таркиби**

№	Чиқинди таркибидаги моддалар	%
1.	NaCl	90-95
2.	НО эримайдиган қолдиқ	2-6
3.	KCl	3,8
4.	CaSO <sub>4</sub>	2
5.	MgCl <sub>2</sub>	0,2

Шу билан бирга, ағдармага 800 минг тоннадан зиёд қайта ишлаш мажмуаси чиқиндилари жойлаштирилмоқда. Ўртача 1 кг ош тузи нархи 1000 сўмга тенг бўлса, ҳар йили 80 миллион доллар ағдармага ташланмоқда. Коннинг 10 йилдан фаолият юритаётганлигини ҳисобга олсак, натрий хлориднинг 500 миллион доллардан зиёд иқтисодий фойда ағдармада кўмилган.

Ҳозирги вақтда қайта ишлаш заводининг иккинчи босқичи ишга туширилгандан сўнг, 400 минг тоннагача калий ўғитлари ишлаб чиқариш қувватига эга, табиийки, иқтисодий самарани йўқотиш икки баравар кўп. Атроф-муҳитга зарар етказгани учун туз чиқиндиси учун товон пули бир неча баравар кўпаяди.

Анъанага кўра, ер юзида туз ва шўр чиқиндиларни сақлашни йўқ қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Галит ва чиқинди жинсларни қазиб олиш ҳажмини камайтириш билан боғлиқ қазиб олиш технологиясини қўллаш (*калий рудаларини танлаб қазиб олиш*), ҳамда флотация чиқиндиларини коннинг қазиб олинган бўш лаҳимларини тўлдириш технологиясини лойиҳалаш ва илмий асослаш ишлари киради. Калийли ўғитлар билан бир қаторда сода ишлаб чиқариш учун шўр сув, ош тузи учун хом ашё, хўжалик ва техник туз, натрий сульфат, магний учун хом ашё ва бошқа баъзи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

Глина-тузли шламдан самарали фойдаланиш муаммосига оид бошқа йўналишлар қаторида чиқиндиларни қурилиш керамика ва аглопорит, бурғулаш суюқликларини ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ишлатилишини таъкидлаш лозим. Галит чиқиндиларининг аҳамиятсиз массалари иссиқлик-энергетика корхоналари (филтрларни қайта тиклаш учун), йўлларни таъмирлаш бўлимлари ва бошқа бир қатор эҳтиёжлар учун ишлатилади.

Ер ости сувларининг тобора кўпайиб бораётган минераллашуви туз чиқиндилари ва шлам қолдиқлари контуридан кенгайиб боради. Шўрланиш жойлари ҳар йили кўпайиб, ер усти сувларига тарқалади.

Сўнгги йиллар статистикаси шундан далолат берадики, минтақада аҳолининг касалланиш даражаси рудник атрофидан 20 км радиусда минтақанинг ўртача кўрсаткичига нисбатан кўпайган.

Юқорида келтирилган маълумотларга таяниб қуйидаги хулосага келишимиз мумкин:

-экологик вазиятнинг ёмонлашуви Тоғ-кон мажмуаси атрофидан 20 км радиусда содир бўлади;

-тоғ-кон мажмуаси ва бойитиш фабрикаси фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган барча экологик муаммоларни ҳал қилишни ҳисобга олган ҳолда комплекс равишда ёндашиш керак, яъни галит ва чиқинди жинсларни қазиб олиш ҳажмини камайтириш билан боғлиқ қазиб олиш технологиясини қўллаш ва флотация чиқиндиларини коннинг қазиб олинган бўш лаҳимларини тўлдириш технологиясини лойиҳалаш ва илмий асослаш;

-шўрланишни олдини олиш ва минималлаштиришнинг энг самарали усулларида бири бу- мавжуд ва истиқболли қазиб чиқариш технологияларини жорий этиш;

-тоғ-кон мажмуаси атрофидаги экологик мухитга салбий таъсирни камайтириш учун чиқиндилар ва техник туз омборларидан оқилона фойдаланиш.

### АДАБИЁТЛАР

1. Ахметов Н.С. Общая и неорганическая химия. – М.: Высшая школа, 2001. – 373 с.
2. Минеев В.Г. Агрохимия: учебник. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Изд-во МГУ, изд-во Колос, 2004. – 720 с.
3. <https://prd-wret.s3-us-west-2.amazonaws.com/assets/palladium/production/atoms/files/myb1-2017-potas.pdf>
4. Каримов Ё.Л., Хужакулов А.М., Латипов З.Ё. Гидравлическая закладка выработанного пространства при подземной добыче калийных руд // Journal of advances in engineering technology.- Навои, 2020. – №1. – С. 25-28.
5. Васильев А.Л. Технический прогресс в технологии развития закладочных работ на калийных рудниках. Реферат по дисциплине «История и философия науки». – Санкт-Петербург: Национальный минерально-сырьевой университет «Горный», 2016. – 25 с.
6. Отчет по панели №1. Пояснительная записка ГДК-26-200917. Горнодобывающий комплекс Дехканабадского завода калийных удобрений. – Дехканабад, 2017. – 104 с.
7. Лапинская В.О. Способы снижения засоления земель в районах разработки калийных месторождений [Электронный ресурс]. – URL: [http://science.kuzstu.ru/wpcontent/Events/Conference/Other/2014/eko/SE\\_2014/pages/Articles/Lapinskaya.pdf](http://science.kuzstu.ru/wpcontent/Events/Conference/Other/2014/eko/SE_2014/pages/Articles/Lapinskaya.pdf) (дата обращения: 01.07.2016).
8. Королев В.А. Мониторинг геологической среды: учебник / под редакцией В.Т. Трофимова. – М.: МГУ, 1995. – 272 с.
9. Лискова М.Ю. Мероприятия по добыче и обогащению калийно-магниевых солей // Вестник Пермского национального исследовательского политехнического университета. Геология. Нефтегазовое и горное дело. – Пермь, 2017. – Т.16. – №1. – С.82-88. DOI: 10.15593/2224-9923/2017.1.
10. Каримов Ё.Л., Якубов С.И., Муродов Ш.О., Нурхонов Х., Латипов З.Ё. Экологические аспекты Дехканабадского рудного комплекса по добыче калийных руд // Горный вестник Узбекистана. – Навои, 2018. – №3. – С. 23-27.
11. Проект горно-добывающий комплекс Дехканабадского завода калийных удобрений. Том 3. Технология горных работ. ОАО «Галургия», Пермь, 2008.

УДК: 624.827

Янгиев А.А., Эшев С.С., Аджимуратов Д.С., Панжиев Ш.

### СЕЛ-СУВ ОМБОРЛАРИНИНГ ХАВФ КАТЕГОРИЯЛАРИНИ БАҲОЛАШ БЎЙИЧА ДАЛА ТАДҚИҚОТЛАРИ НАТИЖАЛАРИ

**Янгиев А.А.**-т.ф.д., профессор (Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти); **Эшев С.С.**- т.ф.д., профессор (ҚарМИИ); **Аджимуратов Д.С.**- докторант; **Панжиев Ш.**- докторант (Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

*В статье приведены результаты натурных обследований технического состояния Лангарского, Дехканабадского и Камашинского селеводохранилищ в Кашкадарьинской области. Известно, что в связи с изменением климата резко повысился сток селевых потоков в водохранилищах, возникли проблемы с пропуском селевых потоков. Для вышеуказанных селеводохранилищ приводится анализ по расходу селевых потоков и заиления. Кроме того, оценен риск категории селеводохранилищ, а также приведены рекомендации по повышению их безопасности.*

**Ключевые слова:** водохранилище, категория риска, селевой поток, водовыпуск, водосброс, затвор, плотина, наносы.

*The article presents the results of field surveys of the technical condition of the Langarsky, Dekhkanabad and Kamashinsky mudslides in the Kashkadarya region. It is known that due to climate change, the flow of mudflows in reservoirs has sharply increased, and problems have arisen with the passage of mudflows. For the above-mentioned mudflow reservoirs, an analysis of the flow rate of mudflows and siltation is provided. In addition, the risk of the category of mudflow reservoirs is assessed, and recommendations for improving their safety are given.*

**Key words:** water reservoir, risk category, mudflow, water outlet, water spillway, gate, dam, sediments.

**Key words:** safety, risk category assessment, hydropower disasters, hydro junctions, dams, water out, dam overcapacity, technical rejection in hydropower stations, control measure device.

**Кириш.** Сайёрамизда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда табиий хавф-хатарларнинг пайдо бўлиш частотаси тобора кўпайиб бормоқда. Бундай табиий ҳодисаларга сел-тошқинларни мисол қилиб келтириш мумкин. Хусусан, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида сўнгги ўн йилликда иқлим ўзгаришлари натижаси таъсирида сел-тошқинлар ва бошқа хавфли табиий ҳодисалар тез-тез содир бўлмоқда. Оқибатда эса ўнлаб дақиқалар ёки бир неча соат ичида қисқа муддатли сел оқимлари кўприкларни, йўлларни, каналларни, далаларни, экин майдонларни ва сув ва селсув омборларидаги ГТИни шикастлантirmoқда [1,2,3].

**Усуллар.** Тадқиқотлар дала кузатувлари асосида олиб борилган ва маълумотларга статистик ишлов бериб натижаларга эришилган.

**Тадқиқот натижалари.** Қуйида кузатув олиб борилган Камаши, Дехқонобод ва Лангар сел-сув омборларида сув ўтказувчи иншоотлари ҳамда сел ташламаларининг техник ҳолатлари, лойка босиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Қамаши сув омбори.** Қамаши сел-сув омборидан фойдаланиш бўлими тасарруфидаги барча гидротехник иншоотларнинг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда қуйидагилар аниқланди:

**Сув чиқариш иншоотининг ҳолати:** Иншоот тагидан сув чиқарувчи (донный), минорали шаклда, сув чиқариш қувурининг ўлчами 1,5x2,0 м бўлган темир-бетондан қурилган. Иншоотнинг ҳисобий сув чиқариш қобилияти  $Q=5 \text{ м}^3/\text{с}$ , остонасининг белгиси

484,7 м (ЎСС). Сув чиқариш иншооти ўлчами 1,5x2,0 м бўлган ясси затворлар билан таъминланган. Сув чиқариш иншооти дарвозаларининг ишчи ҳолати қониқарли.

**Ҳалокатли сув ташлаш иншоотининг ҳолати:** ҳалокатли сув ташлаш иншооти сув омбори ҳавзасининг чап томонида жойлашган. Сув ташлаш иншоотининг сув ўтказиш қобилияти  $Q=30 \text{ м}^3/\text{с}$  га мўлжалланган. Иншоот таркиби сув кириш қисмида темир-бетон қувур, сунъий ғадир-будурлик қовурғалари ҳосил қилинган, кўндаланг кесими трапеция шаклидаги тезоқар нови ва сувнинг энергиясини сўндирувчи сув урулма кудуғидан иборат. Иншоотда юқори ва куйи бьефлар сув сатҳининг фарқи 15 м. Иншоотнинг ишчи ҳолати қониқарли.

**Дехқонобод сел-сув омбори.** Дехқонобод сел-сув омборидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги барча гидротехник иншоотларининг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда куйидагилар аниқланди.

**Сув чиқариш иншоотининг ҳолати:** сув чиқариш иншооти тўғоннинг ПК0+60 да жойлашган ва тагидан (донный) сув чиқарувчи иншоот турида бўлиб, лойқа-чўкиндиларни ювиш ва суғориш учун хизмат қилади. Иншоот остонасининг белгиси 903,0 м да. Иншоот



иккита ўлчами 2x2 м бўлган темир-бетон қувурдан, дарвозалар камераси ва лойқа-чўкиндиларни ювувчи темир-бетон галереядан иборат. Сув чиқариш иншоот ўлчами 1x1 м бўлган ясси затворлар билан таъминланган. Сув чиқариш иншоотининг лойиҳада режалаштирилган қурилиш ишлари охирига етказилмаган (1-расм).

**Ҳалокатли сув ташлаш иншоотининг ҳолати:** ҳалокатли сув ташлаш иншооти тўғоннинг чап томонида ПК0+40 да жойлашган. Сув ташлаш иншоотининг сув ўтказиш қобилияти  $334 \text{ м}^3/\text{с}$ .

Ҳозирда бетон қопламаларда иншоот учун хавfli бўлмаган кичик ёриқлар ва кичик ўпирилишлар мавжуд.

1-расм. Сув чиқариш иншоотининг ҳолати

**Лангар сел-сув омбори.** Лангар сел-сув омборидан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги барча гидротехник иншоотларининг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда куйидагилар аниқланди.

**Сув чиқариш иншоотининг ҳолати:** сув чиқариш иншоотининг вазифаси сел-сув



омборидаги сувни сув чиқариш каналига ташлашдан иборат. Сув чиқариш иншооти тагидан сув чиқарувчи (донный) иншоот тури, иншоотнинг сув ўтказувчи қувури шахтали сув ташлама билан бириктирилган.

Ҳозирда галерея деворларида намланишлар кузатилди. Иншоот ясси ишчи ва таъмирлаш затворлар билан таъминланган. Ҳавза лойқа-чўкиндиларга тўлиб бораётганлиги сабабли сув чиқариш иншоотининг сув қабул қилиш қисми кўмилиб бормоқда.

2-расм. Сув чиқарувчи иншоотнинг галерея деворларидаги намланишлар



**Ҳалокатли сув ташлаш иншоотнинг ҳолати:** ҳалокатли сув ташлаш иншооти тўғоннинг чап томонида жойлашган. Иншоот тезоқар новидан иборат, қўндаланг кесими трапеция шаклида, умумий узунлиги 650 м, лойиҳа бўйича сув ўтказиш қобилияти 242 м<sup>3</sup>/с га тенг. Иншоот ишчи ҳолатида.

Лангар сел-сув омборини тўлдириш манбаси Лангарсой дарёси ҳисобланади. Сел-сув омбори хавзасини лойқа-чўкиндилар билан тўлиши давом этмоқда. Лойқа-чўкиндилар тўпланишига асосан сел-тошқинларнинг жадаллашганлигини асосий сабаб қилиб келтириш мумкин. Айниқса, 2019 йилда Лангар сел-сув омборида оқимнинг максимал даражаси аввалги йилларга нисбатан бир неча баравар кўпайган.

Лангар сел-сув омборидаги барча ГТИнинг ҳозирги кундаги техник ҳолати кўздан кечирилганда қуйидагилар аниқланди:

Лангар сел-сув омборининг сув ташлама иншоотининг сел оқимининг келиши оқибатида шикастланишлари 3-расмда келтирилган.



3-расм. Лангар сел-сув омборининг сув ташлама иншоотини сел оқимининг келиши оқибатида шикастланишлари

Сел-тошқинларнинг келиш ва уни сел-сув омборидан ўтказиб юбориш жараёнида сел-сув омбори сув чиқариш иншоотининг техник ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Лангар сел-сув омборининг сув чиқариш иншоотидаги носозликлар 4-расмда келтирилган.




4-расм. Лангар сел-сув омборидан сел-тошқинларни ўтказишдан сўнг сув чиқариш иншоотидаги носозликлар

Сел-тошқинларга асосан жадаллашган ёғингарчиликнинг тасодифий содир бўлиши сабаб бўлмоқда, натижада эса дарёларнинг доимий оқими сел оқими билан қўшилиб тезкор

ва қисқа муддатда катта хавфлар содир этмоқда. Республикамизда аксарият катта сел-тошқинлар тоғли ва тоғолди ҳудудларида содир бўлмоқда [17,18,19,20].

Ҳусусан, Қашқадарё вилоятида йирик сел-тошқини марказлари Қашқадарё, Ғузардарё, Танхоздарё, Яккабоғдарё ҳавзалари ва шу билан бирга вилоятнинг тоғли ҳудудларидаги сойлар ҳисобланади. Шу боисда ушбу дарёлар ҳавзаларида жойлашган сув омборларда сел-тошқинларининг натижасида носозликлар кўп учрамоқда. Яъни, бу дарё ҳавзаларида барпо этилган сув ва сел-сув омборларининг ҳавзаларида лойқа-чўкиндиларнинг кўп миқдорда тўпланишига сабаб бўлмоқда. Тасодифий келган сел-тошқинларни ўтказиб юборишда сув ташлаш ва сув чиқариш иншоотларида бузилишларни содир этмоқда (5-расм).



5-расм. Қашқадарё дарёси ҳавзасида сув тошқини пайтида максимал сув сарфининг ўзгаришлари

Ҳозирги кунда иқлим ўзгариши шароитида кузатилаётган фавқулотда вазиятлар ва сув омборлари иншоотларида ўтказилган натура кузатувлари маълумотлари асосида сув омборлари ва уларнинг ГТИни хавфсизлик категорияларини баҳолашда сел-тошқинлардан бўладиган хавф-хатарларни инobatга олган ҳолда Катта тўғонлар бўйича халқаро комиссияси (ICOLD) конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган ГТИни хавфсизлигини баҳолаш усулига ўзгартиришлар киритишни таклиф этамиз [4].

ГТИ хавфсизлигини таъминлаш, давлат ижро органлари ва шу мақсадга қаратилган қонунчиликни яратиш орқали эришилиб, ГТИларни эксплуатация қилувчи ҳамда уларнинг мулкдорлари ушбу қонунчиликка амал қилаётганини назорат қилиб борилади [5,6].

Давлат назоратини олиб бориш шакллари турли хил мамлакатларда ҳар хил бўлиб, давлатнинг фуқаро қонунчилигига боғлиқ. Кўпчилик мамлакатларда икки босқичли, бир ёки бир неча марказий органлардан ташкил топган назорат органлари структураси ташкил этилган бўлиб, улар соҳадаги тутган ўрни ва ҳудудий бошқарув органлари (штатлар, провинциялар, вилоятлар ва бошқалар) томонидан белгилаб берилади. Ушбу органларнинг ваколатлари ГТИ хавфлилик тоифаси (синфи)га боғлиқ ҳолда қонунчилик томонидан белгилаб қўйилади [7,8,9,10]. ГТИларнинг хавфлилиги бўйича қайси тоифага мансублиги белгилари ҳам қонунчилик томонидан аниқланади. Бундай белгиларга одатда қуйидагилар қиради: сув димловчи иншоотларнинг баландлиги; сув омбори ҳажми; ГТИ ҳалокати хавфи (жабрланиши мумкин бўлган одамлар сони, моддий ва атроф-муҳитга етказиладиган зарар); ГТИнинг чегарадош давлатлар сув таъминотида ёки трансчегаравий дарёларнинг сув режимини бошқаришдаги тутган ўрни.

Мазкур белгилар ГТИ нинг идентификациялаш белгилари ҳам бўлиб ҳисобланиб, ГТИ хавфсизлиги бўйича қонунларнинг жорий этилишини белгилаб беради. ГТИ хавфсизлиги бўйича қонунчилик, унинг барча ҳаётий цикларида, лойиҳаланиши, қурилиши ва ҳатто консервациясигача амал қилади [11,12,13].

Сув омборлари таъсир доирасида кўп аҳоли турар жойлари жойлашган бўлиб, тўғон бузилишидан келган зарар гидротехник иншоотларининг баланс қийматидан бир неча баробар ошиб кетади. Шунинг учун ҳозирги кунда эксплуатация қилиб келинаётган сув

омборларининг ҳавфсизлик категориясини баҳолаш нормалари бўйича амалда қўлланилаётган услубларда қуйидаги омилларни баҳолаш асосида олиб борилади [14,15,16]:

- сув омбори ва тўғон жойлашган худуд хусусиятлари, дарёнинг тошиши ҳамда ушбу худуднинг геологик шароитлари;

- тўғон характеристикалари, унинг лойиҳавий ва жорий ҳолати кўрсаткичлари;

- тўғонларнинг бошқарув ва эксплуатация ва уларнинг ҳавфсизлик учун аҳамияти бўйича қўллаётган стандартлар;

- тўғон ҳалокати туфайли ёки фавқулодда ҳолат сабаб сув ташлашнинг пастда жойлашган худудга таъсири.

Қуйидаги жадвалларда Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72- бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) ГТИни ҳавфсизлигини баҳолаш усулини келтириб ўтамиз:

1-жадвал

**ГТИ ҳавфсизлигини баҳолашнинг таснифланиш омиллари ва баллари**

**Таснифланиш (классификация)га асос бўлиб хизмат қилувчи омиллар**

<b>Таснифланиш омиллари</b>				
Ҳажм, (млн.м <sup>3</sup> )	>120	120 – 1	1 – 0,1	<0,1
	(6)	(4)	(2)	(0)
Тўғон баландлиги, (м)	>45	45 – 30	30 – 15	<15
	(6)	(4)	(2)	(0)
Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	1000 – 100	100 – 1	-
	(12)	(8)	(4)	(0)
Пастки бьефдаги потенциал зарар	юқори	ўрта	паст	-
	(12)	(8)	(4)	(0)

Сув омбори иншоотлари характеристикасидан келиб чиқиб, конгресс тавсияларига мувофиқ аниқланган сув омборлари баллари 2, 3, 4 – жадвалларга кўра қуйидаги кўринишга эга бўлади.

2 – жадвал

**Қамаши сел-сув омборининг параметрлари ва баллари**

№	Параметрлар	Катталик	Баллар
1	Ҳажм, (млн.м <sup>3</sup> )	25	4
2	Тўғон баландлиги, м.	15	2
3	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
4	Пастки бьефдаги потенциал зарар	Ўрта	8
Жами			26

3 – жадвал

**Дехқонобод сел-сув омборининг параметрлари ва баллари**

№	Параметрлар	Катталик	Баллар
1	Ҳажм, (млн.м <sup>3</sup> )	18.4	4
2	Тўғон баландлиги, м.	36.2	4
3	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
4	Пастки бьефдаги потенциал зарар	Ўрта	8
Жами			28

**Лангар сел-сув омборининг параметрлари ва баллари**

№	Параметрлар	Катталиқ	Баллар
1	Ҳажм, (млн.м <sup>3</sup> )	7.35	4
2	Тўғон баландлиги, м.	34	4
3	Аҳоли эвакуацияси (одамлар сони)	>1000	12
4	Пастки бьефдаги потенциал зарар	Ўрта	8
Жами			28

5-жадвал

**Тўғон тоифасини аниқлаш**

Тўғон тоифасини аниқлаш	
Таснифланиш омиллари йиғиндиси	Тўғон тоифаси
(0 – 6)	I
(7 – 18)	II
(19 – 30)	III
(31 – 36)	IV

Қашқадарё вилоятидаги сел-сув омборлари яъни Қамаш, Дехқонобод ва Лангар сел-сув омборлари Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72 - бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) гидротехника иншоотларини ҳавфсизлигини баҳолаш усули бўйича III – категорияли иншоот экани аниқланди.

**Хулоса.** Сув омборларининг ҳавфсизлик категорияларини баҳолаш учун уларга таъсир қилувчи асосий омиллари ва сув омборларининг ҳавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республикада фойдаланиб келинаётган Қамаш, Лангар ва Дехқонобод сел-сув омборларида дала кузатувишлари олиб борилди ва уларнинг техник ҳолати ўрганилди. Юқоридаги сел-сув омборларининг ҳавф категориялари баллиқ тизимида баҳоланди. Сел-сув омборлари ҳавфсизлиги Катта тўғонлар халқаро комиссияси конгрессининг 72-бюллетенида таклиф этилган (ICOLD 72) гидротехника иншоотларини ҳавфсизлигини баҳолаш усули бўйича III – категорияли иншоот экани аниқланди.

**АДАБИЁТЛАР**

1. Безопасность гидротехнических сооружений в Центральной Азии: проблемы и подходы к их решению. – Алматы, 2011. – 37 с.
2. Беллендир Б.Н., Сольский С.В., Никитин Н.Я. Методические основы, анализ и оценки риска аварий грунтовых плотин в Российской Федерации. // Известия ВНИИГ им Б.Е. Веденеева. – 2000. – Т.238. – С. 15-19.
3. Беллендир Б.Н. и др. Вероятностные методы оценки надежности грунтовых гидротехнических сооружений. // Изд. ОАО «ВНИИГ им Б.Е. Веденеева». – СПб: 2003. – Т.1. –556 с., Т.2. – 524 с.
4. Бюллетень ICOLD 72, 1989.
5. Волосухин В.А. О проблемных вопросах в области безопасности гидротехнических сооружений // Мониторинг: Наука и безопасность. Специальный выпуск. – 2019. – С. 84-97.
6. Волосухин В.А., Волосухин Я.В. Нормативное, правовое и техническое регулирование в области безопасности гидротехнических сооружений // Журнал «Гидротехника». – М., 2010. - № 1. – С. 22-30.
7. “Гидротехника иншоотларининг ҳавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
8. Гидротехнические сооружения. Справочник проектировщика. Под ред. В.П.Недриги. –

- М.:1983. – 543 с.
9. Гольдин А.Л., Рассказов Л.Н. Проектирование грунтовых плотин. – М.: АИВ, 2001. – 306 с.
  10. Гришин М.М. Гидротехнические сооружения (в двух частях). – М.: Высшая школа, 1979.
  11. Рассказов Л.Н. и др. Гидротехнические сооружения. Часть 1 и 2. Учебник для вузов. – М.: Ассоциация строительных вузов, 2008. – 576 с.
  12. Розанов Н.С., Царев А.И., Михайлов П.П. Аварии и повреждения больших плотин. Проектирование и строительство больших плотин. – М.: Энергоатомиздат, 1986.
  13. Янгиев А.А., Гаппаров Ф.А., Аджимуратов Д.С.. Исследование фильтрации в телегрунтовой плотины и её химическое влияние на пьезометры. Ирригация ва мелиорация журнали. Тошкент. №3(17).2019. 33-37 бет.
  14. Янгиев А.А., Гаппаров Ф.А., Аджимуратов Д.С. Результаты мониторинга формирования внезапных наводнений в горах и предгорных районах Узбекистана. Архитектура. Курилиш. Дизайн. журнали, Тошкент. №4(19).2019. 135-138 бет.
  15. Янгиев А.А., Гаппаров Ф.А., Аджимуратов Д.С. Грунт тўғонлар танасидаги фильтрация жараёни ва унинг пьезометрларга кимёвий таъсири тадқиқоти натижалари. Ирригация ва мелиорация журнали, Тошкент. №4(10).2017. 36-39 бет.
  16. Янгиев А.А., Гаппаров Ф.А., Аджимуратов Д.С. Мониторинг формирования селевых потоков на горных и предгорных районах Узбекистана. Материалы международной научно-практической конференции «IV Уркумбаевские чтения» на тему: «Роль ЭКСПО-2017 в развитии экономики страны» Казакстан 23-24 октябр 2017.
  17. Янгиев А.А., Бакиев М.Р., Аджимуратов Д.С. Организация мониторинга безопасности водохранилищных гидроузлов. Материалы международной научно-практической конференции «V Уркумбаевские чтения» Казакстан. 23-24 ноябр 2019.190-192 ст.
  18. Yangiev A.A., Gapparov F.A., Adjimuratov D.S. Filtration process in earth fill dam body and its chemical effect on piezometers. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.
  19. Yangiev A.A., Ashrabov A., Muratov O.A. Life prediction for spillway facility side wall. E3S Web of Conferences 97, 04041 (2019) FORM-2019.
  20. Yangiev, A.A., Bakiev, M.R., Muratov, O.A., Choriev, J.M., Djabbarova, S. Service life of hydraulic structure reinforced concrete elements according to protective layer carbonization criteria Journal of Physics: Conference Series 1425(1).

UDK 004.415.25

Alisherov F. A., Iskandarov S.Q.

### DEVELOPMENT A CENTRALIZED AND SECURE COMPUTER BASED TESTING SYSTEM FOR A LARGE NUMBER OF USERS

**Alisherov F. A.** - PhD (University of World Economy and Diplomacy); **Iskandarov S. Q.** - PhD student (Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi).

*Тадқиқотда келтирилган онлайн имтиҳон тизимининг асосий мақсади талабани тўлиқ автоматлаштирилган тизим орқали шаффоф баҳолашдир, бу нафақат талаб қилинадиган вақтни қисқартирибгина қолмай, балки тез ва аниқ натижаларга эришади. Онлайн имтиҳон тизими ёрдамида имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларни қайта ишлаш жараёни осонлашади. Мақолада веб-га асосланган онлайн имтиҳон тизимини ишлаш механизми ва хавфсизлик тизими келтирилиб ўтилган.*

**Калит сўзлар:** онлайн имтиҳон, сессия, 3 босқичли аутентификация, хавфсизлик механизми, шаффоф, марказлашган, вебга асосланган, мониторинг, қисм-тизим, имтиҳонларни бошқариш

*Основная цель онлайн-экзаменационной системы, представленной в исследовании, - прозрачная оценка студента с помощью полностью автоматизированной системы, которая не только сокращает необходимое время, но и позволяет быстро и точно получать результаты. Использование онлайн-системы экзаменов упрощает процесс проведения экзаменов и обработки результатов. В статье описан механизм работы и система безопасности веб-системы онлайн-экзаменов.*

**Ключевые слова:** онлайн-экзамен, сессия, 3-х ступенчатая аутентификация, механизм безопасности, прозрачно, централизованный, на основе веб, мониторинг, часть-система, управление экзаменом

**Introduction.** Nowadays the rapid development of technology can be observed in every aspect of human life, with no exception to the educational world. In particular, implementation of secure online examination system is a hot topic [1].

A number of advantages have been reported for computer-based assessments over traditional paper-based examinations, both in terms of computer support for question development, reduced cost of test distribution and administration, reduced cost of distributing answers to graders, and possible automated support for grading [2,3].

A computer based testing is a timed, supervised, summative assessment conducted using each candidate's own computer running a standardized operating system. Such examinations have advantages over paper-based exams, and can include new multi-media, simulation and software test items that give higher validity in respect of professional work practice [4, 10].

Electronic exams offer benefits such as ease of marking, reduced need to read illegible handwriting, saving of time and raw materials and reduced logistical overheads. The shift of examination as well as examination administration procedures from paper-based to information technology based processes necessitates substantial reorganization processes at universities. Administrative staff, IT support staff, lecturers and examiners as well as students have to adapt to and familiarize themselves with new examination practices known as online examination [4, 5, 6, 7 and 8].

**Literature survey.** Rashad proposed a web-based online examination system and its structure. EMS manages exams and automated assessments for student exams and supports the organization and conduct of exams, collects answers, automatically identifies submissions, and prepares reports for testing. EMS supports secure access, multiple instructors and portability features. However, there are other features: the ability to restart, random selection of questions, random distribution of questions, and no random selection distribution [9]

Fagbola developed a computer-based testing system (CBTS). CBTS is a web-based online exam system where we can also observe a number of problems, such as lack of time flexibility for candidates to log out at the end of the allowed time, integrity of results, guarantee, independent placement, need for flexibility, robustness, support. There are difficulties in the examination process and the conduct of the examination, automatic submission and the formation of a report on the results of the examination. You can also see a number of issues with managing multiple users.

Yair Levy, Michelle M. publication topic A Theoretical Approach for Biometrics Authentication of e-Exams is described suggests practical solution that can incorporate a random fingerprint biometrics user authentication during exam taking in e-learning courses.

Guo-Quan Weng, Xin-Hua Zheng and Yu-Bin Zhangs' in the thesis the analysis and design of online examination system is described online exam frameworks. In addition, paper will elaborately design functional module by using package diagram, class diagram, sequence diagram and activity diagram and design entity class diagram adopted by database, E-R diagram and the database table structure [12].

**Designing a computer based exam system.** Tests are a promising way to assess knowledge. Its advantages are:

- Tests cover the main content of the subject (exam ticket covers only 4-5% of the controlled educational material);
- all students answer the same test questions, which allows them to compare their knowledge;
- criteria for fair assessment of students' knowledge will increase;





Figure 1. Part-system for organizing the test process.

- allows students to make a more accurate and differentiated assessment of their knowledge (rating) using a scale created in the test control, which is the same for everyone;
- The teacher spends less time monitoring students' knowledge:
- conditions are created for measuring the initial level and the possibility of increasing knowledge at any time;
- Test control is easy to computerize (automate). This is one of the main advantages of pedagogical testing. This is where the repetition of the learning process comes into play.

Therefore, since testing is one of the modern forms of testing knowledge, we offer a reliable, simple and protected mechanism for organizing the testing process.

The design of the system under development is as follows: In terms of design, we divide it into two parts. Test preparation phase and test section. Exam preparation also requires a separate methodology, as there are several shortcomings in assessing what we know through testing today, the test taker may not be able to cover all topics completely, and the test taker may accept questions of the same difficulty or ease. We will consider such questions from a methodological point of view in the next article. Now let us talk about the testing process, if the test is usually conducted online, there will be more attempts to break it in some way, to falsify the test. The following solution is proposed to solve such problems. Three-step authentication for testing can be incorporated into test systems. To ensure this security in the system, we use super admin, administrator and monitors. Super admin confirms the authenticity of the computers being tested before testing, thereby ensuring that test participants are divided into groups. For example, test items can be divided into 2, 10, 100 subgroups. This creates passwords for one-time test participants that can only be used by the administrator. Now the administrator or group of administrators provides one-time passwords to test operators in small groups. Three-Step Authentication means that these observers can monitor the test takers in the prescribed manner using the test takers' permission, student ID, and so on. The sequence of the above processes was adopted as the safety margin of the following test system:

- do not allow other people to interfere with the test takers;



- do not allow the test participant to connect to the tested computer from anywhere in the network;
- guaranteed security of the test system due to independent 3-step authentication;
- passwords can be used only for a certain period of time and only once due to time dependence;
- Inability to connect other computers to the test system due to excessive administrative authentication of the test computer;
- Another advantage is the ability to continue after the

network is repaired in case of network interruptions, and thus the time allotted to it in the system should not be over.

**Discussion.** Now one of the most important issues is protection. Tests on the system often attempt to break them. For example, in systems where the user login and password are tested, the test is performed from another computer, or the user can log in to the user's computer and use software tools such as Radmin, Team Viewer. These issues have been studied in detail and the following method has been developed.

As you can see from the picture above, we need to do a three-step authentication of the test computers depending on the server time.

**Figure 2.** Secured mechanism for centralized testing system time. That is, the system administrator first opens a separate "Session" for each computer class, after a certain time, trying to open a "session" is useless, and other computers are not allowed to run the test. In the second stage, the students who are to enter each auditorium are informed in advance, their times and audiences are listed in the system and on this basis, a one-time key associated with server time is generated for each student. Moreover, with this key, you can start the test, and a small "session" is opened for the test. The end of this small session is connected to the time and the finish button.

**Conclusion.** Automating exam management in higher education institutions can significantly reduce system problems. The section developed based on the above mechanism was tested on lms.tuit.uz (TUIT), effective results were obtained, and students were able to test run the application using some sample multiple-choice examination questions of some general courses. Thus, the proposed part-system design is convenient and flexible, because for future maintenance and development. In addition, this paper proposes a simple mutual 3-step authentication dialogue to enable the students and the server for completing the mutual authentication

## REFERENCES

1. Sindre, Guttorm. "E-exams versus paper exams: A comparative analysis of cheating-related security threats and countermeasures". Researchgate. Norsk Informasjonssik kerhets konferanse (NISK). Retrieved September 13, 2016.
2. Wibowo, Santoso; Grandhi, Srimannarayana; Chugh, Ritesh; Sawir, Erlenawati (September 2016). "A Pilot Study of an Electronic Exam System at an Australian University". Journal of Educational Technology Systems. 45 (1): 5–33. doi: 10.1177/0047239516646746. ISSN 0047-2395.



3. Geeves "ITS315108 exam arrangements". Office of Tasmanian Assessment, Standards & Certification. Tasmanian Government. Archived from the original on 11 January 2017.
4. "Transforming Exams - A scalable examination platform for BYOD invigilated assessment". [Www.transformingexams.com](http://www.transformingexams.com).
5. Hillier, Mathew (2014). "The very idea of e-Exams: student (pre)conceptions" (PDF). Rhetoric and Reality: proceedings of ascilite 2014, 23–26 November,
6. Moge, Nora and Fluck, Andrew, "Factors influencing student preference when comparing handwriting and typing for essay style examinations", British Journal of Educational Technology, 46 (4) pp. 793–802. doi:10.1111/bjet.12171
7. Oluwatosin, O. T., and Samson, D. D. 2013. Computer-Based Test: Security and Result Integrity. In IJCIT, ISSN: 2279--0764, Vol. 2, Issue 02 (March 2013), 324--329.
8. Sheshadri, R., Reddy, T. C., and Kumar, N. A. 2011 Web-Based-Secure Online Nonchoice--Based Examination System (Wones) Using Cryptography. In IJCSE, ISSN: 0975-3397, Vol. 3, No. 10 (Oct. 2011), 3383--3393.
9. Siyao, L., and Qianrang, G. 2011. The Research on Anti-Cheating Strategy of Online Examination System. In AIMSEC 2011, No. 978-1-4577-0536-6, Vol. 11, IEEE (August 2011), 1738--1741. DOI=http://dx.doi.org/10.1109/AIMSEC.2011.6010689.
10. A Sarrayih, M., and Ilyas, M. 2013. Challenges of Online Exam, Performances and problems for Online University Exam. In IJCSI, vol. 10, Issue 1, No. 1 (Jan. 2013), 439-443.
11. Chiranji, N., Deepthi, C. H., and Shekhar, T. P. 2011. A Novel Approach to Enhance Security for Online Exams. In IJCST, Vol. 2, Issue 3 (Sep. 2011), 85-89.
12. Guo-Quan Weng , Xin-Hua Zheng and Yu-Bin Zhang. The analysis and design of online examination system based on b/s. Second Annual International Conference on Electronics, Electrical Engineering and Information Science (EEEIS 2016)

УДК 678.7: 621.89

Гулямов Г., Негматов С.С., Абед Н.С., Тухташева М.Н., Эшкабилов О.Х.

### ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЧНОСТНЫХ СВОЙСТВ АНТИФРИКЦИОННЫХ АНТИСТАТИЧЕСКИ-ТЕПЛОПРОВОДЯЩИХ КОМПОЗИЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ ПОЛИОЛЕФИНОВ

Негматов С.С.- д.т.н., проф., академик АН РУз; Абед Н.С.- д.т.н., проф.; Гулямов Г.- к.т.н., доцент; Тухташева М.Н. – PhD, доцент, с.н.с. (ГУП «Фан ва тараққиёт» Ташкентского государственного технического университета им. Ислама Каримова); Эшкабилов О.Х. - PhD, доцент (КарИЭИ)

*Мақолада композицияларнинг физик-механикавий ва триботехникавий хоссаларини экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган. Мустаҳкамлиги ва триботехник характеристикалари етарли даражада юқори бўлган антифрикцион ва антифрикцион-ейилишбардор полиэтилен ва полипропилен асосидаги композицион материалларидан тайёрланган қозикчали деталлар яратиш тамойиллари таклиф этилган. Улар пахта тозалаш саноатининг пахта машиналари қозикчали ишчи органларида тадбиқ қилинган.*

**Калит сўзлар:** композиция, полимер, хосса, антифрикцион материал, антифрикцион ейилишбардор материал, эгилишдаги букилиш кучланиши, эгилишдаги эластиклик модули, эгилишдаги эластиклиги, зарбага ковушқоқлиги.

*The results of experimental studies of the physicomechanical and tribotechnical properties of the compositions are presented in the article. The principle of the construction of prickly parts from antifriction and antifriction wear-resistant polyethylene and polypropylene composite materials having sufficiently high strength and tribotechnical characteristics and found application in prickly working bodies of cotton ginning industry is proposed.*

**Key words:** composition, polymer, property, antifriction material, anti-friction and wear-resistant material, breaking stress during bending, bending elastic modulus, impact strength,

Трение хлопка-сырца с композиционным материалом имеет сложную природу. На механизм взаимодействия этих тел при трении влияют как молекулярные, так и механические процессы. Специфика контактирующих тел обуславливается возникновением электростатических сил. Исходя из этого установлено, что трение хлопка-сырца с композиционным материалом имеет молекулярно-механко-электрическую природу [1]. Эти результаты позволяют направленно изменять и регулировать свойства материалов, обеспечивая их соответствие требованиям, предъявляемым к композиционным полимерным материалам, работающим при взаимодействии с хлопком-сырцом.

При разработке композиционных материалов наиболее важным является выбор материала и наполнителей. Этот выбор проводится с учетом целевого назначения материала: для антифрикционного материала - это низкий коэффициент трения с хлопком-сырцом в различных условиях эксплуатации, а для антифрикционно-износостойкого композиционного полимерного материала - необходимы низкий коэффициент трения и низкая изнашиваемость материала при трении с хлопком-сырцом.

Таким образом, для создания композиционных материалов антифрикционного назначения необходимо стремиться к повышению прочности материала, снижению температуры в зоне трения. А при разработке композиционного материала антифрикционно-износостойкого антистатически-теплопроводящего (АИАТ) назначения необходимо учесть требования минимальных значений коэффициента трения и интенсивности изнашивания [2].

Эти задачи могут быть решены введением различного рода наполнителей, в том числе и системы гибридных наполнителей.

При разработке композиционных материалов в качестве наполнителей были использованы графит, сажа, каолин, тальк, стекловолокно, волластонит и хлопковый линт. Однако каждый из них имеет свои недостатки и достоинства. Экспериментальными исследованиями установлено, что стекловолокно, волластонит и хлопковый линт увеличивают коэффициент трения и снижают интенсивность изнашивания. Графит, сажа, каолин и тальк снижают коэффициент трения, но увеличивают изнашиваемость композиционных материалов, а также улучшают тепло- и электропроводность и, тем самым, снижают температуру и величину заряда статического электричества, возникающих в зоне трения контактирующих пар. Причем, эффективность этих наполнителей, особенно волокнистых, значительно проявляется при меньшем их содержании, то есть при меньшем содержании стекловолокна значительно снижается интенсивность изнашивания, а при дальнейшем увеличении их содержания интенсивность изнашивания композиционных материалов сравнительно мало снижается, но коэффициент трения резко повышается. Наиболее эффективное снижение коэффициента трения композиционных материалов с хлопком-сырцом наблюдается при введении сажи и графита.

На основании вышесказанного, нами разработаны антифрикционные и антифрикционно-износостойкие композиционные материалы на основе полиолефинов – полиэтилена высокой плотности (ПЭВП) и полипропилена (ПП), в установленных оптимальных их соотношениях, обеспечивающих функционально важные физико-механические, триботехнические и эксплуатационные свойства композиционных полимерных материалов, работающих в условиях взаимодействия с хлопком-сырцом [3].

Причем они обладают высокими антифрикционными свойствами и износостойкостью по сравнению со сталью.

**Key words:** artificial neural networks, forecasting, time series, algorithm, ginneries.


Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши корхоналар фаолиятини ташкил этиш тамойилларига жиддий ўзгаришлар киритмоқда, бу эса ракобатбардошликни ошириш йўллари излашда энг муҳим йўналиш бўлади. Шунингдек, саноатнинг турли жабҳаларида электр энергия ва ресурсга эга бўлиш механизмларига таъсир кўрсатади ва электр энергиясини бозорга чиқариш билан уни сотиб олганда воситаларни сезиларли даражада тежашга имкон беради.

Маълумки, истеъмолчи корхона томонидан олдиндан буюртма беришида ортиқча ва етарли бўлмаган электр энергия истеъмоли етказиб берувчини электр энергиясини ишлаб чиқариш нуқтасига режалаштирилмаган харажатга олиб келади. Ўзбекистон Республикасида амалда фаолият юритаётган қарорларга кўра буюртма берилган электр энергия истеъмолидан ортиқча истеъмол қилинган харажатларни буюртма берувчилар ўз зиммасига олади. Агар орасидаги фарқ қанча катта бўлса, шунча номутоносибликлар учун йирикроқ молиявий йўқотишларга олиб келади [1].

Шундай қилиб, корхоналарда электр энергияни истеъмол қилиш учун ишончли буюртманомани тузиш вазифаси турибди. Шу муносабат билан, бугунги кунда электр юктамаларини башорат қилиниши электрэнергетика соҳасида илмий тадқиқот ишларининг долзарб муаммолари ҳисобланади [2]. Бироқ, йирик корхоналар томонидан электр энергия истеъмоли юқори бўлганлиги сабабли, башоратнинг абсолют ҳатолиги модулининг ўртача қиймати анча юқори бўлиб қолмоқда.

“Башоратлаш усули” атамаси оддий ҳисоб-китоблардан тортиб кўп босқичли эксперт сўровларигача, шунингдек назарий ва амалий ҳаракатлар услубига қадар кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда тахминан 150 тадан ортиқ башоратлаш усули мавжуд бўлиб, шулардан амалда 20-30 га яқини қўлланилади. Башорат усуллари учта асосий хусусиятга кўра таснифланади: усулларни расмийлаштириш даражасига кўра; ҳаракатларнинг умумий принципига мувофиқ; башоратли маълумотларни олиш усули асосида [3].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, нейрон тармоқлари ва анъанавий башоратлаш моделлари ўртасидаги фарқ жуда кўп маълумотни (ўнлаб йиллар давомида минглаб ва ўн минглаб маълумотларни) ҳисобга олишдан иборат ва шунинг учун башоратнинг аниқлиги ошади. Кириш маълумотлари кўп бўлганида нейрон тармоқларига афзаллик берилади. Маълумотлар тўлиқ бўлмаган ва тарқоқ бўлганлиги билан боғлиқ муаммоларда, шунингдек ечимини интуитив равишда топиш мумкин бўлган ҳолатларда нейрон тармоқ усулларидадан фойдаланиш тавсия этилади.



1-расм. «Оққўрғон пахта саноати» МЧЖ электр энергия истеъмоли гистограммаси

Шу муносабат билан, масалан «Оққўрғон пахта саноати» МЧЖ мисолида электр энергия истеъмолининг нейрон тармоқлар асосида башоратлаш масаласи тадқиқ этилган. 1-расмда «Оққўрғон пахта саноати» МЧЖ электр энергия истеъмоли гистограммаси келтирилган.

«Оққўрғон пахта саноати» МЧЖ зарурати учун электр энергия электр тармоқлари корхонаси билан тузиладиган шартнома асосида электр энергияни сотиб олади. Корхонанинг электр энергия сотиб олиш шартномасига кўра йилига соат ва

олинган энергия миқдорини тўғрилаш ҳуқуқини сақлаб қолади. Натижада, корхонада бир календар ой ва бир соатлик батафсил электр энергиясини истеъмол қилишни башорат қилиш тизими асосида алгоритмни ишлаб чиқиш вазифаси пайдо бўлади.

Ушбу муаммонинг ечими жуда мураккаб ва кўп вақт талаб қиладиган жараёндр. Қараб чиқиладиган пахта тозалаш корхонаси технологик жараёнлари жуда мураккаб ва кийин ҳисобланади. «Оққўрғон пахта саноати» МЧЖ тармоқланган структурага эга. Корреляция ва регрессия таҳлилининг кенг тарқалган метод асосида башоратлаш алгоритми математик тавсифдан иборат.

Электр энергиясининг режали истеъмоли:

$$W_{\text{РЕЖ}} = k_{\text{ОЙ}} \cdot Q_{\text{РЕЖ}}, \quad (1)$$

бунда  $k_{\text{ОЙ}}$  – ҳисобланаётган ойга маҳсулот бирлигига тўғри келувчи электр энергия сарфи нормаси, кВт·с/т;  $Q_{\text{РЕЖ}}$  – ишлаб чиқариш маҳсулотининг режали қиймати, т.

Қуритиш цехи технологик жараёни учун электр энергиянинг режали истеъмоли бундан пахта хомашёсини тортиб қуритиш барабанида қуритилиш учун кетадиган электр энергия сарфи режали истеъмоли корхонада тўпланган пахта хирмони ҳажмидан келиб чиқиб аниқланади.

Шу билан бирга қуритиш цехини электр энергия истеъмолини башорати, кВт·с ҳозирги кунда аниқ ойлар билан ўрнатилган солиштирма электр энергия сарфи нормалари бўйича амалга оширилади ва қуйидагича аниқланади:

$$W_{\text{РЕЖ}}^{\text{ҚУР}} = (k_{\text{ОЙ}}^{\text{БАР}} + k_{\text{ОЙ}}^{\text{СЎР}}) Q_{\text{РЕЖ}}^{\text{ҚУР}}, \quad (2)$$


бунда  $k_{\text{ОЙ}}^{\text{БАР}}$  – пахта хомашёсини қуритиш цехида электр энергиясини солиштирма сафини нормаси, кВт·с/т;  $k_{\text{ОЙ}}^{\text{СЎР}}$  – пахта хомашёсини қуритиш цехига етказишни кетадиган электр энергиясини солиштирма сарфи нормаси, кВт·с/т; пахта қуритишни режали ишлаб чиқарилиши.

Корхоналарда фойдаланиладиган электр энергиясини истеъмолини башоратлаш методи аниқ эмас ва электр энергиясини истеъмол қилиш, корхонанинг таркибий цехлари томонидан

ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисида маълумотни ўз ичига олади. Корхонада электр энергиясини истеъмол қилишни ҳисобга олиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими мавжуд эмас ва корхонанинг алоҳида технологик қайта ишлашларида электр энергиясини истеъмол қилиш ҳажмини ишончли ҳисоблаш мумкин бўлган техник ҳисоб тугунлари етарлича эмас.

Мазкур муаммоларнинг ечимини сунъий нейрон тармоқлари (СНТ)асосида электр энергия истеъмолини башорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин. Ушбу башорат қилиш усули кўп қатламли тузилишга эга ва кетма-кет уланадиган сунъий нейрон тармоқларидан фойдаланишга асосланган. СНТ - бу инсон мияси билан боғлиқ бўлган оддий биологик жараёнларни симуляция қиладиган ҳисоблаш структурасидир. Ушбу структуралардаги элементар ўзгарткич сунъий нейрон бўлиб, биологик прототипга ўхшашлиги билан номланган.

СНТни ўқитиш ва башорат қилишни тузиш учун кириш маълумотлари электр энергиясини тижорат ҳисобга олишни автоматлаштирилган тизимини маълумотлар базаси, шунингдек маълум бир корхонанинг электр энергия сарфига таъсир қилувчи кўшимча параметрлар (йил кунлари, ҳаво ҳарорати, намлик, атмосфера босими, ҳафтанинг куни, куннинг вақти ва бошқалар) ҳисобланади. Ҳақиқий муҳим омилларни аниқлаш ва аҳамиятсизларини чиқариб ташлаш ҳар бир объект учун индивидуал равишда башорат қилишнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Мазкур вазифани, 2-расмга мувофиқ, СНТ Байсиан тартибга солиш усулидан фойдаланамиз. Ушбу усул асосида нейрон тармоқнинг иш режимига мослаштириш учун ўқитилади ва вазн коэффицентларини аниқлашга имконият яратади.



2-расм. Нейрон тармоқларнинг тузилиши

Энг муҳим ўзгарувчиларни танлаш тегишли мустақил ўзгарувчиларнинг башорат қилинадиган билан боғлиқлигини тавсифловчи эмпирик корреляцион муносабатларни ҳисоблаш ва таққослаш учун қисқартирилиши мумкин. Эмпирик корреляцион муносабатларни баҳолаш учун [4] да батафсил кўриб чиқилган аналитик гуруҳлаш усулидан фойдаланамиз

$$\sigma_j^2 = \frac{\sum_{i=1}^{n_i} (y_{ij} - \bar{y}_j)^2}{n_j}, \quad (3)$$

$$\bar{\sigma}_{yx}^2 = \frac{\sum_{j=1}^m \sigma_j^2 n_j}{\sum_{j=1}^m n_j}, \quad (4)$$

$$\sigma_{yx}^2 = \frac{\sum_{i=1}^{n_i} (\bar{y}_j - \bar{y})^2 n_j}{\sum_{j=1}^m n_j}, \quad (5)$$

$$\eta_{yx} = \sqrt{\frac{\sigma_{yx}^2}{\sigma_x^2}}, \quad (6)$$

бунда  $\sigma_j^2$  – ички гуруҳ дисперсияси;  $j$  – гуруҳ рақами;  $i$  – гуруҳда кузатиш рақами;  $n_j$  – гуруҳда кузатиш сони;  $y_{ij}$  –  $j$  гуруҳнинг  $i$  чи натижавий белгисини қиймати;  $\bar{y}_j$  –  $j$  гуруҳнинг натижавий белгисини ўртача қиймати;  $\bar{\sigma}_{yx}^2$  –  $x$  фактор белгиси бўйича аналитик гуруҳлашда у ни натижавий белгисини ички гуруҳ дисперсияни ўртача қиймати;  $m$  – гуруҳлар сони;  $\sigma_{yx}^2$  –

нативавий белгини гуруҳлараро (омил) дисперсия;  $\bar{y}$ - танланган мажмуаларни нативавий белгисининг ўртача қиймати;  $\eta$  - эмпирик корреляцион нисбат.

СНТ асосида кўрсаткичларининг корреляцион натижаси 3 ва 4 расмларда келтирилган. Натижалар шуни кўрсатадики, кирувчи ва чиқувчи кўрсаткичлар ўртасида «сезиларли» ва «ўртазич» алоқалар мавжуд.

Нейрон тармоқларини Байсиан ёндашуви асосида шакллантирамиз ва моделини курамиз [5]. Шаклнинг белгиланган функцияси танланади

$$g(x) = \sum_{h=1}^k w_h \varphi_h(x), \quad (7)$$


бунда  $k$  – нейрон тармоғининг қатланмалар сони,  $\varphi_h(x)$  асосий функциялар ва  $w_h$  маълумотлардан олинган коэффициентлар. Мақсадга куйидаги функция орқали эришиш мумкин

$$y_i = g(x_i) + \epsilon_i, \quad (8)$$


бунда  $g(x_i)$  - номаълум функция ва  $\epsilon_i$ - ўртача нол ва дисперсия  $\sigma^2$ га тенг бўлган мустақил Гаусснинг тасодифий ўзгарувчилари. Ўқув жараёнининг бошланғич мақсади бу квадратик хатолар сонини минималлаштириш

$$E_D = \sum_{i=1}^N \frac{1}{2} (y_i - \hat{y}_i)^2, \quad (9)$$

бунда  $N$  - кузатишлар сони, яъни киритиш векторлари сони ва категорияли ўзгарувчилар,  $\hat{y}_i$  -  $i$  – кузатувидаги нейрон тармоқ жавобини англатади.



3-расм. 1-хатонинг автокорреляцияси



4-расм. Модел кўрсаткичларининг корреляцияси

Байсиан тартибга солиш объектив функциянинг Гессиан матричасини талаб қилади. MSE қиймат функцияси ва квадратик оғирликлар йиғиндиси бўйича тартиблаш учун Гессиан матричаси квадратик функцияга эга ва Левенберг-Маркуардт алгоритми ёрдамида (Гилл ва Мюррей 1978) яқинлашиши мумкин [6,7]. Мақсад вазифаси куйидаги бўлади

$$F = \alpha E_W + \beta E_D, \quad (10)$$

бунда  $\alpha$  ва  $\beta$  объектив функционал параметрлардир.

Байсиан доирасидаги тармоқнинг оғирлиги тасодифий ўзгарувчилар деб ҳисобланади. Натижада тармоқ массаси бўлган массивнинг эҳтимоллик зичлиги функцияси куйидаги функция орқали аниқланиши мумкин

$$f(w|D, \alpha, \beta, M) = \frac{f(w|D, \alpha, \beta, M) f(w|\alpha, M)}{f(D|\alpha, \beta, M)}, \quad (11)$$

бу ерда  $M$  - аниқ нейрон тармоқ модели;  $f(w|\alpha, M)$ - бу аввалги зичлик, олдинги оғирликлар маълумоти;  $f(D|\alpha, \beta, M)$  - бу оғирликларни ҳисобга олган ҳолда маълумотларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли бўлган эҳтимоллик функцияси;  $f(D|\alpha, \beta, M)$  - нормаллаштириш коэффициенти, бу умумий эҳтимоллиги 1 га тенг бўлишини кафолатлайди [8].

Гаусснинг шовкинига қараб, берилган параметрларнинг  $w$  эҳтимоли мавжуд


$$f(D|\alpha, \beta, M) = \frac{\exp(-\beta E_D)}{Z_D(\beta)}, \quad (12)$$

бунда  $Z_D(\beta) = (2\pi/\beta)^{N/2}, \beta = 1/\sigma^2$ . Аввалгисининг зичлигини куйидагича келтириш мумкин

$$f(w|\alpha, M) = \frac{\exp(-\alpha E_w)}{Z_w(\alpha)}, \quad (13)$$

бу ерда  $Z_w(\alpha) = \int \exp(-\alpha E_w) dw$ . Агар (12) ва (13) тенгламалар (11) тенгламага алмаштирилса

$$f(w|D, \alpha, \beta, M) = \frac{\exp(-(\beta E_D + \alpha E_w))}{Z_w(\alpha) Z_D(\beta)} = \frac{\exp(-F(w))}{Z_f(\alpha, \beta)}. \quad (14)$$



5-расм. Нейрон тармоғидаги ўқитиш регрессияси, 1000 давр, максимал даврга эришиш натижаси

бу ерда  $Z_f(\alpha, \beta) = \int \exp(-F) dw$ . Ушбу Байсиан доирасида оптимал оғирликлар шартли эҳтимоллигини максимал даражада ошириши керак.

Байсиан тартибга солиш усулида қурилган нейрон тармоқни ўқитиш натижаси 5-расмда келтирилган.

Нейрон тармоқларидан фойдаланган усулнинг афзаллиги кўплаб корхоналарда ишлатиладиган солиштирма сарф нормалари бўйича режалаштириш усули билан солиштирилганда электр энергиясини истеъмол қилиш башоратининг аниқлигини ошириш ҳисобланади.

Олинган нейрон тармоқ томонидан берилган башоратнинг тўғрилиги синов тўпламидаги башоратдан ҳақиқий қийматларни нисбий ўртача квадратик оғиши бўйича баҳоланади:

$$\varepsilon = \frac{1}{\bar{W}_* W^6} \sqrt{\frac{\sum_{i=1}^N (\bar{W}_* - W_*) \cdot (W^6)^2}{N}} \quad (15)$$


$$\bar{W}_* = \frac{\sum_{i=1}^N W_*}{N}, \quad (16)$$

бунда  $\bar{W}_*$  - электр энергиясини истеъмол қилишнинг ўртача қиймати;  $\widehat{W}$  - нейрон тармоғининг чиқишида электр энергиясини истеъмол қилиш қиймати,  $W_*$  - бу электр энергиясини истеъмол қилишнинг масштабли фактик қиймати;  $W^6$  - электр энергиясини истеъмол қилишнинг базис қиймати, кВт·с; N - бошқариш тўпламидаги элементлар сони.


6- ва 7-расмларда ўқитиш натижасидаги тақсимлашнинг ҳатоси ва вақт кетма-кетлигида чиқиш элементининг натижаси келтирилган.

Натижада қуйидагига эга бўламиз:

$$\varepsilon = \sqrt{\frac{N \sum_{i=1}^N (\bar{W}_* - W_*)^2}{\sum_{i=1}^N W_*}}. \quad (17)$$



Ҳатолар = Мақсадлар – Чиқишлар  
6-расм. Ўқитиш натижасидаги тақсимлашнинг ҳатоси



7-расм. Вақт кетма-кетлигида чиқиш элементининг натижаси

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, аниқликни ошириш учун башоратлаш моделларини ишлаб чиқишнинг энг истиқболли йўналиши СНТ усули ҳисобланади ҳамда оптимал башорат қилинадиган модел осонгина ўқитилиши, қисқа вақтда тузиш имконияти, атроф-муҳит ўзгаришига мослашиши, осонгина созланиши ва беқарор муҳитда барқарор ишлаши билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, СНТларига асосланган башорат қилиш тизими билан биргаликда ишлатиш буюртма қилинган электр энергияси ҳажмини амалда истеъмол қилинадиган қийматдан четлатганлик учун жарималар нарҳини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Ушбу мақсадда нейрон тармоқнинг математик тавсифлари билан чекландик. Натижада, бундай усулни башорат қилишнинг аниқлиги сезиларли даражада оширилишига имконият яратилади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” тўғрисидаги 22-сон қарори (8-боб 67-банди).
2. Herbert Jones. Neural Networks. Create Space Independent Publishing Platform.- 2018,76 p.
3. Tariq Rashid. Makeyourown Neural Network. 1 stedition, 2018, -135 p.
4. Искусственные нейронные сети. Теория и практика. Круглов. В.В., Борисов В.В. – М.: Горячая линия – Телеком, 2001. – 382 с.: ил. – 2500 экз. – ISBN 5-93517-031-0.
5. Titterton D. M. Bayesian Methods for Neural Networks and Related Models // Statistical Science. Vol. 19, No. 1 (Feb., 2004), pp. 128-139
6. Sariev E., Germano G. Bayesian regularized artificial neural networks for the estimation of the probability of default, Quantitative Finance, 20:2, 311-328, DOI: 10.1080/14697688.2019.1633014 (2020)
7. Neal, R., Bayesian learning for neural networks. PhD Thesis, University of Toronto, Toronto, Canada, 1996.
8. Sariev E. and Germano G., An innovative feature selection method for support vector machines and its test on the estimation of the credit risk of default. Rev. Financ. Econ., 2019, 37, 404–427.



**ТЕОРЕТИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ СИЛОВОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ РАЗНЫХ ТИПОВ  
ЗУБА БАРАБАНЧИКА НА ВОЛОКНИСТОЙ ЛЕНТЕ**

**Мирзаев О.А** – д.ф.т.н. (PhD); **Нурова О.С.** - старший преподаватель; **Боймуратов Ф. Х.** - ассистент (КарИЭИ)

*Мақолада пневмомеханик йигирув машинасидаги дискретловчи барабанчинг толали пилтани илаштирадигандаги ҳолати назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Назарий таҳлиллар натижаси ишчи юзага оқиб келадиган толалар ҳажмини аниқлик нуқтаи назаридан излаш имконони беради. Кучлар таҳлили дискретловчи барабанча қурилмасининг параметрларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган. Толаларга таъсир қилувчи кучларнинг ўзаро боғлиқлиги график кўринишида тасвирланган.*

**Калит сўзлар:** бир текислик, барабанча, тола, гарнитуралар, дискретизация, принцип, технология, модернизация, орган, сифат, ип, узилиш.

*The article provides a theoretical analysis of the state of a discrete drum of a pneumatic mechanical spinning machine when a fiber pile is attached. Theoretical accuracy analyzes refine the determination of the volume of fibers flowing over the working surface. The analysis of forces was carried out taking into account the parameters of a discrete drum set. The interdependence of the forces acting on the fiber is illustrated graphically.*

**Key words:** uniformity, drum, fibers, headsets, sampling, principle, technology, modernization, organ, quality, yarns, breakage.

**Введение:** Выпуск качественной конкурентоспособной продукции на основе использования высоких, экономичных технологий является важнейшей задачей текстильной отрасли. Качество текстильных изделий в большей степени зависит от равномерности, чистоты и прочности пряжи. Они могут быть достигнуты путем внедрения и использования современного оборудования, работающего на более прогрессивных технологических принципах [1].

Совершенствование технологии пневмомеханического прядения продолжается во всем мире и поныне, что приведет к созданию нового поколения машин безверетенного прядения. Немаловажное значение имеет совершенствование технологии и модернизация отдельных узлов и рабочих органов машины, так как расходы на модернизацию во много раз ниже затрат на закупку нового оборудования. Проведенные нами исследования направлены на совершенствование процесса дискретизации волокнистого потока и формирования пряжи, что позволит повысить качество пряжи снизить обрывность, повысить производительность оборудования и труда.

Используемые на практике элементы с игольчатой гарнитурой представлены на рис.1. Короткое описание отдельных частей гарнитуры заключается в следующем. Дискретизирующее устройство должно разрыхлять подаваемую ленту на комплекс волокон, а в идеальном случае – на отдельные волокна и подавать их равномерно в прядильную камеру. При этом не ухудшать качество волокон и сохранять их степень распрямленности, приобретенную на предшествующих технологических переходах [2].

**Основная часть:** Рассмотрим стационарные движения слоя толщины системы волокон  $h_b$ . Обозначим на каждом участке растяжения, плотности и скорости через зону питания. Считаем, что слой движется вдоль дуги с линейной скоростью зубов барабанчика  $v_b = R_b \omega_b$ , где из  $\Delta OAB$  находим

$$R_b = \sqrt{R_c^2 + l_c^2 + 2R_c l_c \cos(\alpha + \beta)}, \quad \beta = \arcsin\left(\frac{l_c}{R_c} \sin \alpha\right),$$

$R_b$ - радиус барабанчика,  $l_c$ -высота зубов,  $\alpha$ - угол между зубами и линией  $OA$ ,  $\omega_b$  – радиус и

угловая скорость барабанчика. Уравнение стационарного движения слоя согласно принятой модели среды записываем в виде

$$L(T) \frac{dt}{d\varphi} - R_b \tau = 0 \quad (1)$$

$$L(T)T - R_b q = m_1 v_b \omega_b R_b \quad (2)$$

где  $\varphi$  – угол, отсчитываемый вдоль дуги  $AA$ ; начиная с точки  $A$   $L(T) = 1 + \varepsilon$ ,  $\varepsilon = \frac{T}{ES_b}$ ;  $m_1$  – погонная масса продукта,  $S_b = h_b L$ ,  $h_b$  – текущая толщина слоя продукта,  $R$  – радиус барабанчика.

На контакте слоя с поверхностью камеры выполняется закон сухого трения, где принимается  $\tau = f_b q$ . Далее, полагая  $T = ES_b \varepsilon$  при  $\varepsilon^2 \approx 0$ , составим уравнение относительно  $\varepsilon$

$$\frac{d\varepsilon}{d\varphi} - f_b (1 + n_b^2) \varepsilon = -f_b n_b^2 \quad (3)$$

где  $n_b = R_b \omega_b / a$ ,  $f_b$  – коэффициент трения между барабанчиком и поверхностью камеры, начальное положение угла  $\varphi$  принимается с положением слоя продукта в точке  $A$ . Решение уравнения (3), удовлетворяющее условию  $\varepsilon = \varepsilon_2$  при  $\varphi = 0$ , имеет вид

$$\varepsilon = (\varepsilon_2 - \lambda_b^2) \exp\left(\frac{n_b^2 \varphi}{\lambda_b^2}\right) + \lambda_b^2 \quad (4)$$

где  $\lambda_b^2 = \frac{n_b^2}{1+n_b^2}$ ,  $\varepsilon_2$  определяется по формуле (4) при  $\varphi = \varphi_k$

$$\varepsilon_2 = (\varepsilon_1 - \lambda^2) \exp\left(\frac{n^2 \varphi_k}{\lambda^2}\right) + \lambda^2 \quad (4-A)$$

Здесь толщина слоя и плотность продукта определяются по формулам

$$h = h_0 \frac{v_0}{R_b \omega_b} (1 + \varepsilon), \rho = \frac{\rho_0}{1 + \varepsilon} \approx \rho_0 (1 + \varepsilon) \quad (5)$$

Будем считать, что максимальное значение плотности слоя достигается при  $\varphi = 0$ . Тогда функция  $\varepsilon$  должна быть монотонна, причем увеличивающая функция достигает максимального значения при  $\varphi = \pi$ . При этом деформация  $\varepsilon_2$  и плотность продукта при входе в зону дискретизации удовлетворяют условиям

$$\varepsilon_2 > \lambda_b^2 = \frac{n_b^2}{1 + n_b^2},$$

$$\rho < \frac{\rho_0}{1 + n_b^2}$$

Из первого неравенства получаем

$$\varepsilon_1 > \lambda^2 + (\lambda^2 - \lambda_b^2) \exp(-f \varphi_k n^2 / \lambda^2) \quad (6)$$


Таким образом, для обеспечения монотонного снижения плотности продукта в зоне дискретизации деформация продукта при входе в зону зажима должна удовлетворять условию (6)

$$n = R\omega/a$$

На рис. 2. представлены кривые распределения деформации и плотности продукта в зоне дискретизации в расчетах принят

$$R_c = 0.0325m$$

$$\omega_b = 600c^{-1}, l_c = 0.005m, n_b = 0.22, \varepsilon_1 = 0.08$$



а- зубья с разными диаметрами; б- зубья с разными наклонами; в-зубья с разными высотами;  
 Рис.1. Предлагаемые варианты игольчатого дискретизирующего барабанчика




Рис.2. Графики изменения деформации продукта вдоль дуги контакта его с поверхностью камеры при различных значениях отношения

$$n = \frac{R\omega}{a} : 1 - n = 0.1; 2 - n = 0.15; 3 - n = 0.2; 4 - n = 0.25;$$




Рис 3. Конструкция пильчатого дискретизирующего барабанчика прядильных машины БД-350

Демонстрация работы дискретизирующего барабанчика зубья которого имеют пильчатую фигуру представлена на рис 3.


**Теоретические исследования:** Формула для определения объёма волокон протекающих на  $1\text{мм}^2$  – поверхности.

$$V_0 = S_0 \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) S_0 \quad (7)$$

где площадь  $S_0 = 1\text{мм}^2$ ,  $h$  – высота зуба,  $t$  – шаг зуба,  $l_2$  – толщина основы зуба,  $L$  – толщина

зуба,  $l_1$  – толщина основы зуба.

Узнавая каждый параметр исследуем теоретические основы дискретизирующего барабанчика.  $S = t \cdot h = 2.5 \cdot 1.8 = 4,5 \text{ мм}^2$



В качестве площади выбран зазор между двумя зубьями дискретизирующего барабанчика и теоретически должно быть рассчитано движение волокон, протекающих вдоль поверхности этой площади.

$$V = 0.1 \cdot h \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) S \quad (8)$$

Изменения объема волокон на высоты зуба от  $m - h_1$  до  $h_2$

$$dV = \int_{h_1}^{h_2} 45 \cdot h \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) dh \Rightarrow \Delta V = 22.5 \cdot \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) \cdot (h_2^2 - h_1^2) \quad (9)$$

Изменения объема волокон зависят от шага зубьев от  $t_1$  до  $t_2$

$$dV = \int_{t_1}^{t_2} 45 \cdot h \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) dt \Rightarrow \Delta V = \frac{h}{10} \left[ \left(t_2 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) \ln|t_2| - \left(t_1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) \ln|t_1| \right] \quad (10)$$

Изменения объема волокон зависят от толщины зубьев от  $L_1$  до  $L_2$

$$dV = \int_{L_1}^{L_2} 0.1 \cdot h \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) dL \Rightarrow \Delta V = 45 \cdot h \left[ \left(L_2 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) \ln|L_2| - \left(L_1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) \ln|L_1| \right] \quad (11)$$

Изменения объема волокон зависят от основы ширины зубьев от  $l_{1.1}$  до  $l_{1.2}$

$$dV = \int_{l_{1.1}}^{l_{1.2}} 45 \cdot h \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) dl_1 \Rightarrow \Delta V = 22.5 \cdot h \left(\Delta l_1 - \frac{l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) \cdot (l_{1.2}^2 - l_{1.1}^2) \quad (12)$$

Изменения объема волокон зависят от основы толщины зубьев от  $l_{2.1}$  до  $l_{2.2}$

$$dV = \int_{l_{2.1}}^{l_{2.2}} 45 \cdot h \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L \cdot t}\right) dl_2 \Rightarrow \Delta V = 22.5 \cdot h \left(\Delta l_2 - \frac{l_1}{3 \cdot L \cdot t}\right) \cdot (l_{2.2}^2 - l_{2.1}^2) \quad (13)$$

**Анализ результатов:** Для правильного решения задач повышения работоспособности дискретизирующего барабанчика пневмомеханических прядильных машин и улучшения качества прочеса необходимо в первую очередь детально изучить силы, действующие на волокнистую ленту в процессе дискретизации, и выявить возможности наиболее рентабельного их использования.

Формула для определения зацепления волокон на площади  $1 \text{ мм}^2$

$$K = \cos^2 \alpha \cdot e^{\left[\frac{\mu \cdot l}{\pi} \left(\frac{1}{L} + \frac{1}{t}\right)\right]} \quad (14)$$

$\mu$  – коэффициент трения между волокнами и питающим столиком,  $L$  – толщина зубьев,  $t$  – шаг зубов,  $l$  – длина волокон,  $\alpha$  – наклонный угол зуба дискретизирующего барабанчика. Зная эти параметры его можно записать в следующем виде

$$K = (\cos(\alpha))^2 \cdot e^{\left(\mu \cdot l \cdot \frac{t+L}{\pi \cdot t \cdot L}\right)} \quad (15)$$

Графическая зависимость объема волокон поверхности ширины, толщины, высоты зубьев дискретизирующего барабанчика.




Рис.4. Графическая зависимость объема течения волокон на высоту зуба  $S_0 = 1\text{мм}^2$  в промежутке  $t = 2.8 \cdot 10^{-4}$  времени. Разной высоты зубы:  $h_1 = 1.8\text{мм}, h_2 = 1.85\text{мм}, h_3 = 1.9\text{мм}$




Рис. 5. Графическая зависимость объема  $S_0 = 1\text{мм}^2$  течения волокон на шаги зубьев и промежутке  $t = 2.8 \cdot 10^{-4}$  времени. Разные шаги зубьев:  $t_1 = 2.5\text{мм}, t_2 = 2.5\text{мм}, t_3 = 2.7\text{мм}$ .




Рис.6. Графическая зависимость угла наклона на силу зацепления зуба: Разный тип угла наклона:

$$\alpha_1 = 54^\circ, \alpha_2 = 58^\circ, \alpha_3 = 62^\circ.$$

Успешная работа пневмомеханических прядильных машин в большой степени зависит от правильно выбранной гарнитуры дискретизирующего барабанчика. Гарнитура должна обеспечить длительную и непрерывную работу зон дискретизации при необходимом качестве дискретизации и допустимой равноты волокнистой ленты [3].

В данный момент сила импульса  $F_t$  в зависимости от массы волокон  $m_t$  и время зазора от  $\Delta t$  определяется следующей формулой:

$$F_t \Delta t = m_t (v_2 - v_1) \quad (16)$$

где  $v_1$  – скорость дискретизирующего барабанчика,  $v_2$  – скорость дискретизирующего барабанчика вместе с волокнами.

Движения общих волокон на промежутке  $\Delta X$  зависит от короткого времени  $\Delta t$  и оно равно:

$$\Delta X = \Delta t v_{cp} \quad (17)$$

Определяем общую массу между объемами  $\Delta V$  волокон.

$$m_{\text{общ}} = m_t n \quad (18)$$




Рис.7. Анализ работы дискретизирующего барабанчика:  $F_T$  – тангенциальная сила,  $F_t$  – касательная сила,  $F_N$  – нормальная сила, смотрим углы взаимно равно, а именно:  $\alpha_1 = \alpha_2$

где:  $m_t$ - масса одного волокна,  $n$  – число волокон. По условию необходимо знать среднюю скорость и она равна

$$v_{cp} = \frac{v_1+v_2}{2} \quad (19)$$

Объем зуба  $V$  между фазами гарнитур дискретизирующего барабанчика определяем в зависимости от ёмкости волокон.

Определяем изменения объема, зависящего от площади поверхности зуба дискретизирующего барабанчика.

$$m_t = 0.1 \cdot h \cdot S \cdot \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L}\right) \delta \quad (20)$$

Значения уравнения (19) подставим на уравнение (20) и получаем

$$F_t \cdot \Delta\tau = 0.1 \cdot h \cdot S \cdot \delta \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L}\right) (v_2 - v_1) \quad (21)$$

•  $\Delta\tau$  – в этой формуле равно

$$\Delta\tau = \frac{\Delta X}{v_{cp}} = \frac{2 \cdot \Delta X}{v_1 + v_2} \quad (22)$$

Значения уравнения (22) подставим в уравнение (21) и получаем следующее уравнение.

$$F_t = 0.1 \cdot h \cdot S \cdot \delta \left(1 - \frac{l_1 \cdot l_2}{3 \cdot L}\right) (v_2^2 - v_1^2) / 2 \cdot \Delta X \quad (23)$$

Это формула, определяющая параметрную зависимость тангенциальной или касательной силы от параллельного движения объема волокон;  $h$  – высота зубов;  $S$  – шаг зубов;  $\delta$  – толщина основы зуба;  $L$  – толщина зубьев;  $l_1$  – ширина основы зубьев.

**Вывод:** Для проектирования параметров гарнитур дискретизирующего барабанчика необходимо учитывать долю задерживающей способности гарнитуры, приходящуюся на единицу волокна ёмкости. Проанализировано влияние каждого геометрического параметра гарнитуры на процесс дискретизации и построены графики для них.

### ЛИТЕРАТУРА

1. Крючкова В.К., Дергунова Л.Н., Максудов С.С. и др. Проблема повышения конкурентоспособности пряжи и тканей (обзор). Ташкент, 1993 г.
2. Рипка И. Теоретическое изучение некоторых основных явлений. –Сборник докладов о безверетенном прядении., Прага.2009,ст.1-36.
3. Батулин Ю.А. Загруженность гарнитуры чешущих поверхностей и процент перехода волокон с одной поверхности на другую. «Технология текстильной промышленности», 1964. №4

## ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ЧИЗЕЛ-КУЛЬТИВАТОРНИНГ ИШЛОВ БЕРИШ ЧУҚУРЛИГИ БЎЙИЧА БИР ТЕКИС ЮРИШНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ

Тўхтақўзиев А.– т.ф.д., проф, Тошпўлатов Б.– мустақил изланувчи; Расулжонов А.– таянч докторант (Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти)

*В статье теоретически исследованы вопросы обеспечения равномерности хода усовершенствованного чизеля-культиватора по глубине обработки. Установлено, что для обеспечения заглубления усовершенствованного чизеля-культиватора на заданную глубину и равномерности хода на этой глубине, а также требуемого дорожного просвета расстояние по вертикали от опорной плоскости до нижних точек навески должно быть в пределах 50-60 см.*

**Ключевые слова:** трактор, чизель-культиватор, глубина обработки, равномерность, сила реакции, опорные колеса, физико-механические свойства почвы, скорость, навеска трактора, навесное устройство.

*The article theoretically explores the issue of ensuring the uniformity of the progress of the improved chisel cultivator in depth of processing. Based on the data obtained, it is noted that to ensure the depth and depth of distribution of 50-60 cm, it is necessary that the house is within 50-60 cm.*

**Key words:** tractor, chisel cultivator, processing depth, uniformity, reaction force, support wheels, physical and mechanical properties of the soil, speed, tractor attachment, attachment.

Мамлакатимизнинг барча хуудларида ерларга экиш олдиан ишлов беришда ЧКУ–4 ва ЧКУ–3,0 чизел-культиваторларидан кенг фойдаланилади [1]. Аммо бу чизел-культиваторлар узок муддатлардан буён ҳеч қандай сезиларли ўзгаришларсиз ишлаб чиқариб келинмоқда. Шу сабабдан улар тупрокка тежамкорлик билан ишлов бериш каби замонавий талабларга жавоб бермайди, материал ва энергияҳажмдор, кўп холларда даладан бир ўтишда тупрокка талаб даражасида ишлов бермайди. Шулардан келиб чиққан ҳолда институтимизда чизел-культиваторларнинг иш кўрсаткичларини ошириш ва энергияҳажмдорлигини камайтириш йўналишларида тадқиқотлар олиб борилди ва улар асосида такомиллаштирилган чизел-культиватор ишлаб чиқилди [2].


Такомиллаштирилган чизел-культиваторда ҳам иш органлари мавжуд чизел-культиваторларидек уч қатор жойлаштирилган. Аммо тупрокнинг уваланиш сифатини яхшилаш ҳамда энергияресурс-тежамкорликни таъминлаш мақсадида такомиллаштирилган чизел-культиваторда биринчи ва иккинчи қаторда жойлашган иш органлари шахмат тартибида, иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органлари эса изма-из ва поғонасимон ўрнатилган.

Барча тупрокка ишлов бериш машиналари каби такомиллаштирилган чизел-культиватор учун ҳам ишлов бериш чуқурлиги ва уни бир текисда бўлиши (барқарорлиги) унинг асосий иш кўрсаткичларидан ҳисобланади. Чунки белгиланган ишлов бериш чуқурлиги ва унинг талаб даражасида бир текис бўлиши таъминлансагина ўсимликларнинг бир текис ривожланиши ва пишиб етилиши ҳамда юқори ҳосил олинишига эришилади [3, 4].

Такомиллаштирилган чизел-культиватор белгиланган ишлов бериш чуқурлигига ботиб ишлаши ва унинг бир текислиги таъминланиши учун  $N_y > 0$  (бунда  $N_y$  – тупрок томонидан чизел-культиваторнинг таянч ғилдиракларига таъсир этаётган умумий реакция кучи) шарт бажарилиши лозим [3, 5], чунки фақат шундагина унинг таянч ғилдираклари доимий равишда дала юзасига босиб турилади ва бунинг натижасида иш органлари белгиланган чуқурликка ботиб ва ишлов бериш чуқурлигини ўзгартирмасдан ишлайди. Акс ҳолда, яъни  $N_y < 0$  бўлганда таянч ғилдираклар дала юзасига тегмайди ва бунинг натижасида иш

органлари белгилангандан кам чуқурликка ботиб ишлайди. Бундан ташқари бу ҳолда тупрок физик-механик хоссалари, агрегат ҳаракат тезлиги ва бошқа ташқи омилларнинг ўзгариши иш органларининг тупроққа ботиш чуқурлигини ўзгаришига олиб келади ва натижада ишлов бериш чуқурлигининг бир текис бўлиши таъминланмайди [6].

1-расмда келтирилган схемадан фойдаланиб, такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг таянч ғилдирақларига таъсир этаётган умумий реакция кучини аниқлаймиз. Бунинг учун чизел-култиваторга таъсир этаётган барча кучларни унинг



1-расм. Такмиллаштирилган чизел-култиваторнинг таянч ғилдирақларига таъсир этаётган умумий реакция кучини аниқлашга доир схема

бўйлама-тик текисликдаги оний айланиш маркази  $\pi$  га нисбатан мувозанат тенгламасини тузамиз ва уни  $N_y$  га нисбатан ечиб қуйидагига эга бўламиз

$$\begin{aligned}
 N_y = \sqrt{1 + \mu^2} \left\{ \left[ mg + R_{1xz} \sin \psi_{\alpha} + (R_{2xz} + R_{3xz}) \sin \psi_{\gamma} \right] X_{\pi} + mgl_2 - \right. \\
 - \left[ R_{1xz} \cos \psi_{\alpha} + (R_{2xz} + R_{3xz}) \cos \psi_{\gamma} \right] Z_{\pi} + R_{1xz} \left\{ \left[ h_1 (\operatorname{ctg} \alpha_{\alpha} + \operatorname{ctg} \psi_{\alpha}) - l_1 \right] \sin \psi_{\alpha} - \right. \\
 - \left. H_1 \cos \psi_{\alpha} \right\} + R_{2xz} \left\{ \left[ L_1 + h_2 (\operatorname{ctg} \alpha_{\gamma} + \operatorname{ctg} \psi_{\gamma}) - l_1 \right] \sin \psi_{\gamma} - (H_1 - h_k) \cos \psi_{\gamma} \right\} + \\
 + R_{3xz} \left\{ \left[ L_1 + L_2 + h_3 (\operatorname{ctg} \alpha_{\gamma} + \operatorname{ctg} \psi_{\gamma}) - l_1 \right] \sin \psi_{\gamma} - H_1 \cos \psi_{\gamma} \right\} \left. \right\} : \\
 : \left[ X_{\pi} + l_T + \mu(Z_{\pi} + H_1 - h - 0,5d_T) \right], \quad (1)
 \end{aligned}$$

бунда  $\mu$  – такомиллаштирилган чизел-култиватор таянч ғилдирақларининг думалашга қаршилик коэффициентлари;  $m$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг массаси, кг;  $g$  – эркин тушиш тезланиши, м/с<sup>2</sup>;  $X_{\pi}$ ,  $Z_{\pi}$  – мос равишда такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки осини нуқталари  $D(D_1)$  дан унинг бўйлама-тик текисликдаги оний айланиш марказигача бўлган горизонтал ва тик масофалар, м;  $l_2$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки осини нуқталаридан унинг оғирлик марказигача бўлган горизонтал масофа, м;  $R_{1xz}$ ,  $R_{2xz}$ ,  $R_{3xz}$  – мос равишда такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг биринчи, иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органларига таъсир этаётган қаршилик кучларининг тенг таъсир этувчилари, Н;  $l_1$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки осини нуқталаридан унинг биринчи қаторда жойлашган иш органлари, яъни юмшаткич панжаларнинг тифигача бўлган бўйлама масофа, м;  $h_1$ ,  $h_2$ ,  $h_3$  –



такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг биринчи, иккинчи ва учинчи қаторларда жойлашган иш органларининг тигларидан уларга тупроқ томонидан таъсир этаётган қаршилик кучларининг тенг таъсир этувчилари қўйилган нуқталаригача бўлган тик масофалар, м;  $\psi_{ю}, \psi_{у}$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг юмшаткич ва ўқёйсимон панжаларига таъсир этаётган  $R_{1xz}, R_{2xz}, R_{3xz}$  кучларнинг горизонтга нисбатан йўналиш (оғиш) бурчаклари, градус;  $H_1$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа, м;  $L_1, L_2$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг иш органлари орасидаги бўйлама масофалар, м;  $h_T$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг иккинчи ва учинчи қаторда жойлашган иш органлари орасидаги тик масофа, м;  $h$  – ишлов бериш чуқурлиги, м;  $d_T$  – такомиллаштирилган чизел-култиватор таянч ғилдиракларининг диаметри, м;  $l_T$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг пастки осиш нуқталаридан у таянч ғилдиракларининг айланиш марказигача бўлган бўйлама масофа, м.

(1) ифодадаги  $X_\pi$  ва  $Z_\pi$  ни трактор осиш механизми ва чизел-култиватор осиш қурилмасининг ўлчам ва параметрлари орқали ифодалаймиз. Бунинг учун  $XD(D_1)Z$  координаталар системасида  $D(0;0)$  ва  $A(A_1)$  ( $\sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2}$ ;  $H_3 + h - H_1$ ) ҳамда  $C(0; H_2)$  ва  $B(\sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B$ ;  $H_3 + h - H_1 + Z_B$ ) нуқталардан ўтайдиган тўғри чизиқларнинг тенгламаларини тузамиз. Улар мос равишда қуйидаги кўринишга эга бўлади

$$x_\pi = \frac{(H_3 + h - H_1)X}{\sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2}} = x \quad (2)$$

ва

$$z_\pi = \frac{(H_3 + h + Z_B - H_1 - H_2)X}{\sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B} = z, \quad (3)$$

бунда  $H_3$  – трактор таянч текислигидан у осиш механизми пастки тортқиларининг кўзғалмас шарнирлари  $A(A_1)$  гача бўлган тик масофа, м;  $l_o$  – трактор осиш механизми пастки тортқиларининг узунлиги, м;  $X_B, Z_B$  – трактор осиш механизми пастки ва марказий тортқиларининг  $A(A_1)$  ва  $B$  кўзғалмас шарнирлари орасидаги бўйлама ва тик масофалар, м.

(2) ва (3) тенгламаларни биргаликда ечиб, қуйидагиларга эга бўламиз

$$X_\pi = \frac{H_2 \sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[ \sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \quad (4)$$

ва

$$Z_\pi = \frac{H_2 (H_3 + h - H_1) \left[ \sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B) \sqrt{l_o^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1) X_B} \quad (5)$$

Аммо трактор осиш механизмининг ўлчам ва параметрлари ҳамда чизел-култиватор осиш қурилмасининг пастки ва юқориги осиш нуқталари орасидаги тик масофа стандартлашганлиги [7] ва трактор бўйича маълум эканлиги, чизел-култиватор ва у иш органларининг ўлчам ва параметрлари ҳамда массаси (оғирлиги) асосан у белгиланган технологик жараёни ишончли ва сифатли бажариши, кам энергия-материалҳажмдорликка эга бўлиши шартларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинишини ҳисобга оладиган бўлсак такомиллаштирилган чизел-култиваторни белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши асосан унинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган масофа  $H_1$  ни ўзгартириш ҳисобига таъминланади.

$H_1$  нинг  $N_y > 0$  шарт бажарилишини таъминловчи қийматни аниқлаш учун (6) ифода бўйича  $N_y = f(H_1)$  график боғланишни қуриш талаб этилади. Бунинг учун чизел-култиваторга таъсир этаётган кучларни унинг ва у иш органларининг параметрлари, ишлов бериш чуқурлиги ва тупроқнинг физик-механик хоссалари орқали ифодалаймиз [3, 8, 9].

$$m = qB; \quad (6)$$

$$R_{1xz} = \frac{R_{1T}}{\cos \psi_{\gamma}} = \frac{n_1(K_{\gamma} + E_{\gamma}V^2)b_{\gamma}h}{\cos \psi_{\gamma}}; \quad (7)$$

$$R_{2xz} = \frac{R_{2T}}{\cos \psi_{\beta}} = \frac{n_2\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}(h - h_T)}{\cos \psi_{\beta}}; \quad (8)$$

ва

$$R_{3xz} = \frac{R_{3T}}{\cos \psi_{\beta}} = \frac{n_3\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}h_T}{\cos \psi_{\beta}}; \quad (9)$$

бунда  $q$  – такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг ҳар бир метр қамраш кенглигига тўғри келадиган массаси, кг;  $\eta$  – ўқёйсимон панжанинг очиқ кесиш шароитида ишлашини унинг тортишга қаршилигига таъсирини ҳисобга оладиган коэффициент.

$n_1 = \frac{B}{2a_k} + 1$  ва  $n_2 = n_3 = \frac{B}{2a_k}$  эканлигини ҳисобга олганда (7)-(9) ифодалар қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$R_{1xz} = \left(\frac{B}{2a_k} + 1\right)(K_{\gamma} + E_{\gamma}V^2)b_{\gamma}h / \cos \psi_{\gamma}; \quad (10)$$


$$R_{2xz} = \frac{B}{a_k}\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}(h - h_T) / \cos \psi_{\beta}; \quad (11)$$

$$R_{3xz} = \frac{B}{a_k}\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}h_T / \cos \psi_{\beta}. \quad (12)$$

$M$ ,  $R_{1xz}$ ,  $R_{2xz}$  ва  $R_{3xz}$  ларнинг (6) ва (10)-(12) ифодалар бўйича қийматларини (1) га қўямиз ва қуйидаги натижага эга бўламиз

$$\begin{aligned} N_y = & \sqrt{1 + \mu^2} \times \\ & \times \left\{ \left[ qBg + \left(\frac{B}{2a_k} + 1\right)(K_{\gamma} + E_{\gamma}V^2)b_{\gamma}h \operatorname{tg} \psi_{\gamma} + \frac{B}{a_k}\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}h \operatorname{tg} \psi_{\beta} \right] \times \right. \\ & \times \frac{H_2\sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[ \sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B)\sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1)X_B} + qBg l_2 - \\ & - \left[ \left(\frac{B}{2a_k} + 1\right)(K_{\gamma} + E_{\gamma}V^2)b_{\gamma}h + \frac{B}{a_k}\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}h \right] \times \\ & \times \frac{H_2(H_3 + h - H_1) \left[ \sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B)\sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1)X_B} + \\ & + \left(\frac{B}{2a_k} + 1\right)(K_{\gamma} + E_{\gamma}V^2)b_{\gamma}h \left\{ \left[ h_1(\operatorname{ctg} \alpha_{\gamma} + \operatorname{ctg} \psi_{\gamma}) - l_1 \right] \operatorname{tg} \psi_{\gamma} - H_1 \right\} + \\ & + \frac{B}{a_k}\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}(h - h_T) \left\{ \left[ L_1 + h_2(\operatorname{ctg} \alpha_{\beta} + \operatorname{ctg} \psi_{\beta}) - l_1 \right] \operatorname{tg} \psi_{\beta} - (H_1 - h_T) \right\} + \\ & + \frac{B}{a_k}\eta(K_{\beta} + E_{\beta}V^2)b_{\beta}h_T \left\{ \left[ L_1 + l_2 + h_3(\operatorname{ctg} \alpha_{\beta} + \operatorname{ctg} \psi_{\beta}) - l_1 \right] \operatorname{tg} \psi_{\beta} - H_1 \right\} \left. \right\} : \\ & \cdot \left\{ \frac{H_2\sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} \left[ \sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B)\sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1)X_B} + l_T + \right. \\ & \left. + \mu \left\{ \frac{H_2(H_3 + h - H_1) \left[ \sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - X_B \right]}{(H_2 - Z_B)\sqrt{l_0^2 - (H_3 + h - H_1)^2} - (H_3 + h - H_1)X_B} + H_1 - h - 0,5d_T \right\} \right\}. \quad (13) \end{aligned}$$

Адабиётларда келтирилган маълумотлар [3, 7] ва ўтказилган тадқиқотларимиз асосида  $\mu=0,2$ ,  $q=236$  кг/м,  $B=4,0$  м,  $g=9,81$  м/с<sup>2</sup>,  $a_k=0,2$  м,  $K_{\gamma}=112,5 \cdot 10^3$  Па,  $h=0,2$  м,  $h_1=0,08$  м,  $h_2=0,04$  м,  $b_{\gamma}=0,05$  м,  $K_{\beta}=22,5 \cdot 10^3$  Па,  $b_{\beta}=0,20$  м,  $h_3=0,04$  м,  $l_1=0,93$  м,  $l_2=0,09$  м,  $L_1=0,8$  м,  $L_2=0,8$  м,  $l_3=0,56$  м,  $d_T=0,5$  м,  $h=0,5$ ,  $\alpha_{\gamma}=30^\circ$ ,  $\alpha_{\beta}=30^\circ$ ,  $\gamma_{\beta}=30^\circ$ ,  $\varphi_1=30^\circ$ ,  $\psi_{\gamma}=0^\circ$ ,  $\psi_{\beta}=0^\circ$  ҳамда 3-4 классдаги умумий ишларни бажариш учун мўлжалланган тракторлар учун  $H_2=0,7$  м,  $H_3=0,6$  м,  $X_B=0,3$  м,  $Z_B=0,56$  м қабул қилиниб,  $N_y$  ни  $H_1$  га боғлиқ равишда ўзгариш графиги қурилди (2-расм).



2-расм.  $N_y$  ни  $H_1$  га боғлиқ равишда ўзгариш графиги

Ушбу графикдан кўришиб турибдики  $N_y > 0$  шарт бажарилиши ва демак такомиллаштирилган чизел-култиватор белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши учун унинг таянч текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа камида 47 см бўлиши лозим. Лекин бу масофани 60 см дан катта бўлиши чизел-култиваторнинг транспорт тиркиши талаб даражасида бўлмаслигига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда  $H_1$  масофани 50-60 см оралиғида бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Хулоса.** Такомиллаштирилган чизел-култиваторнинг белгиланган чуқурликка ботиб ишлаши ва шу чуқурликда барқарор юриши ҳамда унинг талаб даражасидаги транспорт тиркиши таъминланиши учун чизел-култиваторнинг таянч

текислигидан пастки осиш нуқталаригача бўлган тик масофа 50-60 см оралиғида бўлиши лозим.

## АДАБИЁТЛАР

1. Қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш ва маҳсулот етиштириш бўйича намунавий технологик карталар. 2016-2020 йиллар учун (I-қисм). – Тошкент, 2016. – 138 б.
2. Тўхтақўзиев А., Тошпўлатов Б.У. Такомиллаштирилган чизел-култиватор // “Фан-техника, таълим ва технологиялар: долзарб муаммолар ва ривожланиш тенденциялари” мавзусидаги илмий-амалий анжумани материаллари тўплами (2-қисм). – Жиззах, 2017. – Б. 337-339.
3. Синеоков Г.Н., Панов И.М. Теория и расчет почвообрабатывающих машин. – Москва: Машиностроение, 1977. – 328 с.
4. Соколов Ф.А. Агрономические основы комплексной механизации хлопководства. – Ташкент: Фан, 1977. – 244 с.
6. Тўхтақўзиев А., Мансуров М.Т., Каримова Д. Иш органлари рамага кўзгалувчан бириктирилган тупрокка ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий-техник ечимлари. – Тошкент: Muxr press, 2019. – 84 б.
7. ГОСТ 10677-2001 “Устройство навесное заднее сельскохозяйственных тракторов синфов 0,6-8. Типы, основные параметры и размеры”. – Минск, 2001. – 10 с.
8. Кленин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Колос, 2005. – 671 с.
9. Тўхтақўзиев А., Мансуров М.Т., Расулжонов А.Р. Иш органлари рамага кўзгалмас бириктирилган тупрокка ишлов бериш машиналарининг ишлаш чуқурлиги барқарорлигини таъминлашнинг илмий-техник ечимлари. – Тошкент: Muxr press, 2019. – 70 б.

**ПИРОЛИЗ ҚУРИЛМАЛИ ИССИҚХОНАНИНГ НОСТАЦИОНАР ҲАРОРАТ-НАМЛИК РЕЖИМИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

Узаков Ғ.Н. - т.ф.д., проф.; Давлонов Х.А. – т.ф.ф.д.; Алиёрова Л.А. - докторант; Узоқова М.Ғ. – талаба. (ҚарМИИ)

*В статье предложена математическая модель тепловлажностного режима пленочной теплицы с пиролизной установкой в условиях нестационарного теплового режима. Разработанная математическая модель позволяет качественно управлять микроклиматом теплицы.*

**Ключевые слова:** математическое моделирование, гелиотеплица, температурный режим, пиролизная установка, тепловой баланс, система отопления, влажность воздуха.

*The article proposes a mathematical model of the heat-moisture regime of a film greenhouse with a pyrolysis plant under conditions of unsteady heat regime. The developed mathematical model allows you to control the microclimate of the greenhouse with high quality.*

**Key words:** mathematical modeling, solar cell, temperature, pyrolysis installation, heat balance, heating system, air humidity.

Иссиқхоналарда етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархида энергия ресурслари истеъмоли юқори улушга эга бўлиб, уларда талаб этиладиган микроклимни яратишда молиявий харажатларнинг 40 % гача қисми иситиш тизимига тўғри келади [1,2]. Шу билан бир қаторда иссиқхонада ҳарорат талаб этилган қийматдан ортиши натижасида ҳарорат режимини бошқариш тизими, яъни иситиш-вентиляция қурилмаларини ишлаши оқибатида ҳам энергия тежаш муаммоси юзага келади.

Иссиқхоналарда қулай микроклим параметрларини яратиш ва сақлаш ўсимликларнинг ўсиши, ҳосилдорлиги ва сифатига ҳамда энергия ресурслари сарфига ҳам таъсир қилади. Кам энергия сарфи билан юқори ҳосилдорликка эришиш учун иссиқхонада микроклим параметрларини бошқариш ва назорат қилишга тўғри келади. Замонавий иссиқхоналарда микроклимнинг қуйидаги муҳим иссиқлик-техник параметрлари, яъни ҳавонинг ҳарорати ва намлиги, ҳаводаги CO<sub>2</sub> концентрацияси иситиш, вентиляция, ҳавони намлантириш ва углерод диоксида билан бойитиш қурилмаларини бошқариш орқали назорат қилинади [1, 2, 3, 4].

Шу сабабли, иссиқхоналарнинг ҳарорат-намлик режимининг математик моделини ишлаб чиқиш долзарб масала бўлиб, математик модель иссиқхонада ҳарорат ва намликни ўзгариш жараёнларини адекват ифодаладиган ва ҳимояланган тупроқ иншотининг ишчи ҳажмида микроклим параметрларини бошқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Турли конструкцияли иссиқхоналарнинг математик моделларини ишлаб чиқиш ва бошқарув объекти сифатида тадқиқот қилиш охириги йилларда кенг ривожланди. V.P.Sethi, И.Ф.Бородин, Д.Кошкин [1, 2] томонидан бажарилган тадқиқотларда иссиқхоналарда динамик жараёнларни математик моделлаштириш ишлари амалга оширилган. Энергия ва массанинг сақланиш қоидаларига асосланган иссиқхонада ҳавонинг ҳарорати ва намлигини бошқариш учун математик моделлар [3, 4, 5, 6] таклиф қилинган.

Пиролиз қурилмали ва иссиқлик утилизаторли иссиқхонанинг ҳарорат-намлик режимини ўзига хос хусусиятлари бўлиб, иссиқлик балансида пиролиз реакторидан утилизация қилинадиган иссиқликни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади.

Иссиқхоналарни математик моделлаштиришда, уларни мураккаб динамик тизим сифатида қараш лозим, чунки иссиқхонада ҳавонинг ҳарорати ва намлиги термодинамиканинг чизиқли бўлмаган қонунлари билан боғланган, яъни

$$y=f(\tau, x, u, v), \tag{1}$$

бунда,  $f$  – нозикли функция,  $\tau$  – вақт;  $x$  – ўзгарувчан параметрлар, яъни ҳавонинг ҳарорати, намлиги, углерод диоксида концентрацияси;  $u$  – бошқарувчи таъсирлар, иситиш қурилмалари, вентиляция, намлантириш, ва ҳ.к.з.;  $v$  – ташқи муҳит таъсири, масалан ташқи ҳавонинг ҳарорати, намлиги, қуёш радиацияси, шамол тезлиги ва ҳ.к.

Иссиқхона микроклимининг математик моделларини қуйидаги 2 та гуруҳга ажратиш мумкин [3, 4, 5]:

1. Принципиал моделлар. Бундай типдаги моделлар иссиқхонада содир бўладиган иссиқлик ва масса алмашинуви жараёнларига асосланиб тузилади ва бу жараёнлар физик интерпретацияга эга бўлган дифференциал тенгламалар билан тавсифланади.

2. Кибернетик моделлар. Бунда иссиқхона “қора яшиқ” сифатида қабул қилинади, кирувчи ва чиқувчи параметрлар боғлиқлиги ўрганилади. Бундай моделларнинг параметрлари идентификация усули ёрдамида тажрибада аниқланади.

Тадқиқот ишида пиролиз қурилмали иссиқхонанинг ҳарорат-намлик режимининг математик модели принципиал модель асосида ишлаб чиқилди.

Математик моделни ишлаб чиқишда қуйидаги соддалаштирувчи чекланишлар қабул қилинди:

1. Модель иссиқхонани деворлар, тепа шаффоф қоплама ва пастки асос билан чегераланган ҳаво ҳажми сифатида интерпретация қилади.


2. Иссиқхона микроклимини тавсифловчи параметрлар ( $t, \varphi, C_{CO_2}, \dots$ ) нинг фазода вақт давомида ўзгариши ҳисобга олинмайди.

3. Ўсимликларни (биомасса) жараёнда ривожланиши ҳисобга олинмайди.

4. Бошқарув объекти квазистационар ҳолатда деб қаралади.

“Муқобил энергия манбалари” кафедрасида 100 м<sup>2</sup> фойдали майдонга эга бўлган плёнка қопламали гелиоиссиқхонанинг тажриба варианты қурилди ва ҳарорат режими тадқиқот қилинди.

Қўйилган масалаларни ечиш мақсадида иссиқхонанинг пиролиз қурилмали-иссиқлик генераторли ва иссиқлик утилизаторли иситиш тизими ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Иссиқхонанинг пиролиз қурилмали-иссиқлик генераторли ва иссиқлик утилизаторли иситиш тизими.

*В статье проанализированы показатели экспорта продукции легкой промышленности страны и география экспорта швейных и трикотажных изделий Наманганской области методом БКГ (Бостонская консалтинговая группа). Сделаны научные выводы и предложения по маркетинговым стратегиям развития экспорта швейной и трикотажной продукции.*

**Ключевые слова:** маркетинг, маркетинговые стратегии, швейно-трикотажная промышленность, экспорт, БКГ (Бостонская консалтинговая группа) анализ.

*In the article the indicators of exports of light industry of the country and the geography of the export of sewing and knitting products of the Namangan region were analyzed BKG (Boton Consulting Group) method. Scientific conclusion and suggestions on marketing strategies in the development of the export of sewing and knitwear products have been made.*

**Keywords:** marketing, marketing strategies, sewing-knitting industry, export, BKG (Boton Consulting Group) analysis.

Мамлакатимизда тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортини кўпайтириш ва уларнинг сифатини жаҳон бозорлари талаблари даражасига олиб чиқиш бўйича самарали амалий йўналишлар бошланди. Бирок, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридаги ҳолат ўрганилмаслиги оқибатида экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етарли миқдорда етиштирилмаяпти” [1]. Шу билан бирга, корхоналар экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг инновацион маркетинг стратегиялари асосида ишлаб чиқилмаганлиги ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш ва шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш” [2] устувор йўналиш сифатида белгиланди. Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун республикамиз тўқимачилик корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Тикув-трикотаж кийимлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт салоҳиятини оширишнинг ИТ технологиялар ва инновацион маркетингга асосланган юқори истеъмол кийматли тикув ва трикотаж маҳсулотлари экспортини “рақобат устунлиги”, “кластерлаштириш”, “диверсификация”, “сифат менежменти”, “онлайн маркетинг” стратегиялари асосида ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Халқаро бозорларда фирмалар ўз маҳсулотлари экспорт фаолиятини ривожлантиришда куйидаги стратегиялардан фойдаланмоқдалар.

**А) Хужум қилиш стратегияси** - фирманинг бозорда ўз улушини эгаллаб олиш ёки ўз фаолиятини кенгайтиришга йўналтирилган фаол ҳаракатларидир. Ҳар бир товарнинг бозорда оптимал улуши мавжуд бўлиб, у зарур фойда нормаси ва ҳажмини таъминлаб беради. Мазкур бозор харидорларининг 20 фоизи, фирма таклиф этаётган маҳсулотларнинг 80 фоизини харид қилувчи сегмент миқдори оптимал - энг мақбул ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқотларида олинган маълумотларга кўра, бозор улушининг 10 фоизга оширилиши, фирма олаётган фойда нормасини ўртача 5 %га оширади. Бозор улуши ва фойда нормаси ҳажми кўплаб фирмаларнинг маркетинг режалаштиришида ўз олдига, бозордаги таъсирини ўстиришни мақсад қилиб қўйишига сабаб бўлмоқда.

Фирма халқаро бозорда ҳужум қилиш стратегиясини танлашига сабаблар:

- унинг бозордаги улуши энг зарур минимумдан кам ёки рақобатчилар хатти-ҳаракати натижасида қисқариб кетаётган ва керакли фойда нормасини таъминлай олмаётган ҳолатлар;
- фирма бозорга янги, оригинал товар чиқариши;
- фирма ишлаб чиқараётган товари ҳажмининг сезиларли ошириши;
- рақобатчилар ўз позицияларини йўқотиб бораётганда, кам харажатлар эвазига бозордаги улушини кенгайтириш имконияти юзага келиши.

**Б) Ҳимоя стратегияси** - фирманинг мавжуд бозор улушини сақлаб қолиш ва халқаро бозордаги ўрнини ушлаб туришга ҳаракати. Бундай стратегия қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

Фирманинг бозордаги ўрни қониқарли ёки агрессив сиёсат олиб бориш учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолатларда;

Рақобатчилар ёки давлатнинг жавоб тариқасидаги чоралари кутилаётган ёки фирма унга тайёрланаётган ҳолларда. Бу стратегияни қўллашнинг камчилиги шундаки, рақобатчининг хатти-ҳаракатлари ва фан-техника тараққиётидаги ютуқларга ўз вақтида эътибор қаратилмаса, муваффақиятсизликка учраш ва халқаро бозордан чиқиб кетишга мажбур бўлиши мумкин.

**В) Чекиниш стратегияси** - мажбурий чораларни ифодалайди. Бир қатор ҳолларда айрим товарлар масалан, техник ва технологик жиҳатдан эскираётган товарлар бўйича фирма буни англаган ҳолда бозор улушини қисқартириши ёки унга дарҳол пул маблағлари зарур бўлиб қолган (қарзни тўлаш, дивиденд тўловлари учун ва ҳоказо) ҳолларда, бозор улушини бир қисмини баҳридан ўтиши мумкин. Бу стратегия икки ҳил вариантни - операцияларни аста-секин камайтириш ёки фирманинг халқаро бозордаги бизнесини тугагини таклиф қилади.

Корхона ўзининг халқаро микёсдаги ривожланишини ички экспансияга нисбатан иккиламчи, ташқи бозорни эса ортиқча маҳсулотларни олувчи сифатида қабул қилиши мумкин.

1-жадвал

**Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти таркиби таҳлили [3]**


№	Маҳсулотлар	2000 йил		2019 йил	
		Экспорт, млн. АҚШ доллари	Жамидаги улуши, %	Экспорт, млн. АҚШ доллари	Жамидаги улуши, %
1	Пахтадан йигирилган ип	81,8	37,7	726,9	45,6
2	Тайёр кийимлар	16,1	7,4	585,4	36,8
3	Трикотаж мато	0,2	0,1	65,7	4,1
4	Пахтадан газламалар	33,5	15,4	65,3	4,1
5	Ипак ва ипак маҳсулотлари	34,6	15,9	49,9	3,1
6	Бошқа тўқимачилик маҳсулотлари	17,3	8,0	43,0	2,7
7	Гидамлар	0,3	0,1	31,0	1,9
8	Пахта чиқинди маҳсулотлари	33,4	15,4	26,8	1,7
Жами		217,2	100,0	1594,1	100,0

Чет элдаги миллий фирмалар ташқи бозорга чиқишда бошқа турли стратегиялардан фойдалана оладилар. Америкалик компаниялар ташқи бозорни кенгайтириш мақсадида янги товарларни киритишга ҳаракат қиладилар. Европа стратегиялари химоявий бўлиб, аввал эгаллаб олинган ёки бу бозорлар билан узвий боғлиқ бозорларга кириб боришни афзал кўрадилар. Япония компаниялари кам харажатли ассортиментни чекланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш хажми катта бўлган стратегияларни афзал кўрадилар. Бу эса уларга сотув хажмини ўстиришда асосий рақобат воситаси сифатида нархдан фойдаланиш имконини беради.

Мустақилликка эришган илк йилларда республикамиз энгил саноатида фақатгина пахта хом ашёси экспорт қилинган бўлса, ҳозирда эса тайёр тўқимачилик ва энгил саноат маҳсулотлари етказиб берувчи экспортёр сифатида жаҳон бозорларига кириб бормоқда (1-жадвал). Жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, Ўзбекистонда тўқимачилик маҳсулотлари экспорти салкам 20 йил ичида ўртача 7,3 мартага ошган бўлса, трикотаж мато ишлаб чиқариш 327,5 мартага, пахта ипи эса 8,9 мартага ошган. Энг муҳими юқори кўшилган кийматга эга бўлган тайёр кийимлар 2000 йилда 16,1 млн. АҚШ доллари ҳажмида экспорт қилинган бўлса, 2019 йилда мазкур кўрсаткичлар 585,4 млн. АҚШ долларига етиб 36,4 мартага ошган ёки жами экспортдаги улуши 36,8 %ни ташкил этди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида пахта толаси ва ундан йиғирилган ип экспорт кўрсаткичлари нисбатан йилдан-йилга пасайиб бормоқда.

Наманган вилоятида тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш учун ип-калава ишлаб чиқарувчи хорижий ва кўшма корхоналар ташкил этилди ҳамда улар замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Энгил саноат корхоналари томонидан 80 га яқин янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Тўқимачилик корхоналарининг 70 фоиздан ортиғида ИСО, ЭКО тизими жорий этилди. Бунинг натижасида вилоят тўқимачилик ва тикув - трикотаж саноатининг маҳсулотлари экспорти Россия, Хитой, Қозоғистон, Туркия давлатларидан ташқари Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига кириб бориш имконига эга бўлинди.

Тадқиқот натижаларига кўра (1-расм) **Биринчидан**, Наманган вилояти экспортчилари учун Россия бозори энг қулай ва самарали эканлиги, аммо бу мамлакатга экспорт қилишда мавсумий омилларни таъсири катталигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ва экспорт режаларига ўзгартириш киритиш талаб этилмоқда;



1-расм. Наманган вилоятининг тикув-трикотаж маҳсулотлари экспортида мамлакатлар бозорининг улуши [4].


**Иккинчидан**, шу билан бирга ички бозор ва бошқа географик ҳудудлардаги экспорт бозорларини танлашда мавсумий таъсирларни ҳисобга олиб янги бизнес режалар ишлаб чиқиши таклиф этилди.

1-расмда келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, ҳақиқатдан ҳам экспорт бозорининг деярли ярми (46,8%) Россия давлатига тўғри келади. Ушбу танланган давлатлар ичида Қирғизистон иккинчи ўринда (39,1%), Қозоғистон учинчи ўринни эгаллади (10,8%) ва қолган давлатларнинг экспорт бозоридаги улуши 2,0% га ҳам етмаган ҳолатни ташкил этди. Олинган натижалардан хулоса чиқаришдан олдин модификацияланган BCG таҳлилига эътибор қаратамиз (2-расм).

“Boston Consulting Group” (BCG) қолипида Россия давлати экспорт бозорининг 46,8 фоизини ташкил этиши билан бирга йил охирига келиб, 73,2 фоизга ўсган. Худди шу каби Қирғизистонда ҳам 31,2 фоизга ўсган, аммо Украинада мос равишда 0,7 фоиз, Қозоғистон 4,5 фоизга камайиши кузатилган. BCG таҳлили бўйича:

“Юлдузлар” - Ўсиш (маҳсулот - "Юлдуз"). Улар тез ўсиб бораётган бозорларда етакчи, юқори даромад келтирадилар, лекин улар етакчилик мавқеини сақлаб қолиш учун инвестицияларга муҳтождирлар. Бозорнинг барқарорлашуви билан улар "Соғин сигирлари" тоифасига кириши мумкин.

“Соғин сигирлар”- Ушбу товарларни “пул сумкалари” деб ҳам аташади. Одатда, бу ўтган кунги корхоналарнинг асосий активини ташкил этадиган “Юлдузлар”дир. Маҳсулотлар бозорлардаги юқори бозор улуши ва паст ўсиш суръатлари билан тавсифланади. “Соғин сигирлар”дан олинган даромад инвестициялардан каттароқдир. “Соғин сигирлар” савдосидан олинган маблағлар “Муаммоли товарларни” ривожлантиришга ва “Юлдузлар”ни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши керак.



2-расм. Наманган вилояти тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорт бозорининг BCG таҳлили

“Итлар” - Ушбу маҳсулот паст ўсиш суръати ва кичик бозор улуши билан тавсифланади. Одатда товарлар фойдасиз бўлиб, ўз позицияларини эгаллаш учун қўшимча инвестицияларга муҳтож. “Итлар” катта фирмалар то-монидан қўллаб-қувватланади, агар



улар ўзларининг бевосита фаолияти билан боғлиқ бўлса. Агар бундай эҳтиёж бўлмаса, улардан қутулиш ёки компаниянинг ассортимент сиёсатида уларнинг мавжудлигини камайтириш яхшидир.

“Муаммоли товарлар” – Бозорга кириш муаммолари. Характерли хусусияти тез ривожланаётган бозорда паст улушга эгаллиги. Бу катта инвестицияларни талаб қиладиган ва моддий даромад келтирадиган заиф позиция ҳисобланади. Бундай ҳолатда сиз бизнес учун жиддий сармоялар киритишингиз ёки уни сотишингиз, ёки мумкин бўлган қолдиқ фойда олишингиз керак. Бироқ, маълум шартлар ва малакали инвестициялар шароитида ушбу гуруҳнинг маҳсулотлари “Юлдуз” бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Бугунги кунда либослар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи жаҳоннинг машҳур «Christian Dior», «Versace», «Pol Makarti» ва «Shanel» компанияларнинг маҳсулотлари дунё бозорида энг юқори ўринларни эгалламоқда. Уларнинг маҳсулотларини эл назарига тушган кишилар, яъни кийим намойиш қиладиган модельерлар, машҳур артистлар, кўшиқчилар, спортчилар киядилар. Шундай кишиларнинг ихлосмандлари ўз - ўзидан уларга эргашдилар ва уларнинг одатларини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар бу эса маҳсулотлар урфга янги модага айланиш жараёнини бошлаб бермоқда. Бу эса ишлаб чиқарувчилар учун устун мавқеиға эга бўлишда ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки тикув-трикотаж корхоналари экспортининг натижавий кўрсаткичи, яъни рентабеллигига аввало, мода-дизайн хизматларидан самарали фойдаланиши, юқори малакали мутахассисларни бўлиши, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми, янги технологияларни ўзлаштиришлари ва қўлланилаётган маркетинг стратегиялари ижобий таъсир кўрсатмоқда деб ҳисоблаймиз.

Бунда албатта, тикув-трикотаж корхоналар мода-дизайн хизматларини жорий қилиш ва замонавий маркетинг концепцияларидан фойдаланиш талаб этилади, яъни асосий эътиборни маҳсулот сифатини яхшилаш ва истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланишга қаратиш лозим. Замонавий мода-дизайн хизматларини ва маркетинг стратегияларини жорий этиш орқали корхоналарнинг маҳсулотига истеъмолчилар талабини шакллантириш, сотиш ҳажмини кўпайтириш, миллий товарларнинг брендини янада кучайтириш, ички ва ташқи бозорларларда мижозларга нисбатан алоҳида ёндашувни амалга ошириш, корхонанинг бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

## АДАБЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб сайти [www.president.uz/uz/3129](http://www.president.uz/uz/3129)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси
4. Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари

## АГРОТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ - ИНСОН КАПИТАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

Амиркулов Ш.О. - тадқиқотчи (ҚарМИИ)

*В статье разработан новый механизм формирования и эффективного использования человеческого капитала через модель организации образовательных кластеров в аграрном секторе.*

**Ключевые слова:** человеческий капитал, инновационное развитие, кластер аграрного образования, модель образовательного кластера, интеграция, профессиональное обучение, координационный совет, переподготовка, обучение.

*The article develops a new mechanism for the formation and effective use of human capital through the model of organizing educational clusters in the agricultural sector.*

**Key words:** human capital, innovative development, agricultural education cluster, education cluster model, integration, vocational training, coordinating council, retraining, training

Жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ўрганиш, инсон капиталининг миқдори ва сифатининг асоси бўлиб, нафақат долзарб бўлиб қолмоқда, балки ижтимоий-иқтисодий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

“Эпидимологик ҳолат дунё давлатлари иқтисодиётини рессеция ҳолатига тушишига, ишсизликнинг ошишига, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, “Ўзбекистонда ишсизлик 2019 йилда 15-24- ёшдаги аёллар ўртасида - 25% дан ортиқ, худди шу ёшдаги эркеклар ўртасида эса - 13% ни ташкил этган. Камбағаллик даражаси 2000 йилда 62 % қайд этилган”. Кейинги йилларда эса бу ҳақда маълумот қайд этилмаган [1].

“Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш Стратегиянинг бош мақсадидир” [2] деб қайд этилган.

Инсон капитали тушунчаси замирида инсон ва унинг қобилиятлари мажмуаси ётади. Инсон капитали тўғрисидаги ғоялар фойдали иш унумдорлигини ошириш аввало шахснинг ишчанлигини ва маҳоратини ошириш ҳамда машина ва асбоб усқуналарни такомиллаштириш билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда.

С.А. Курганский асарларида инсон капиталига: “жисмоний шахслар томонидан инвестициялар ва жамғариш натижасида шаклланган билим, кўникма ва бошқа фазилатлар тўплами, агар улар тегишли равишда ишлатилса, янги қиймат ва даромад оқимини келтириб чиқаради” [3] деб таъриф келтирилган. Хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, инсон капиталининг 1 фоизга кўпайиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг ўсиш суръатларини 1-3% га тезлашишига олиб келади [4].

1949 йилда Жаҳон банки президенти Жон Мак Клой шундай ёзган эди: “Тараққиёт – бу тахтага чизиш, сўнгра сеҳрли таёқча ва доллар билан ҳаётга жорий қилиш мумкин бўлган нарса эмас” [5].

Мак Клойнинг фикрича, тараққиёт концепциялари ва уларни амалга ошириш ўртасида кўп ҳолларда узилишлар бўлган. Айнан шу узилишларни инсон капитали индекси ёрдамида бартараф этиш мумкин бўлади.

Ижтимоий иқтисодий жараёнларнинг сифат ва миқдорий жиҳатларининг бирлиги ишлаб чиқариш ва истеъмол даражасининг миқдорий кўрсаткичларини таҳлил қилишда аҳолининг турмуш даражасини комплекс баҳолаш даражасига эришишга имкон беради.

“Турмуш даражаси” динамикасини акс эттирувчи асосий кўрсаткичлардан бири аҳолининг реал даромадлари ва харажатлари даражаси ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

**Ўзбекистоннинг инсон тараққиёти индекси бўйича тутган ўрни**

т/р	Кўрсаткичлар	Ўзбекистон Республикасининг рейтинги
1	Соғлиқ	Ўртача умр кўриш давомийлиги (йил), 71,4
2	Таълим	Таълимнинг ўртача давомийлиги (катта ёшдаги учун), 11,5 йил
3	Даромад	Аҳоли жон бошига ЯИМ, 6470 доллар
4	Камбағаллик	2000 йилда 62,0 % қайд этилган, 2019 йилда эса қайд этилмаган
5	Гендер тенгсизлик индекси	Гендер тенгсизлик индекси, 0,274
6	Барқарорлик	Марказий банк маълумотга кўра аҳоли жон бошига жамғарма 1134 долларга тенг деб баҳоланмоқда

Инсон капиталини такрор ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг инновацион йўналишини кучайтиришга олиб келади. Иқтисодиётнинг инновацион тури янги, инновацион турдаги инсон салоҳиятини талаб этади [6].

Сўнгги йилларда мамлакатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришда маълум ижобий тенденциялар кузатилган бўлса-да, умуман аграр соҳада ноқулай вазият сақланиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг инвестицион имкониятларининг пастлиги, янги иқтисодий муносабатлар шароитида ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришни сезиларли даражада чеклайди.

Бундан ташқари глобал пандимея ҳам соҳада бир қатор иқтисодий инқирозларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Иқтисодиётда юзага келган инқироздан чиқишнинг ягона тўғри йўли аграр тармоқнинг илмий-техник салоҳияти имкониятларидан максимал фойдаланиш орқали иқтисодиётнинг реал соҳасини тиклаш ва ривожлантириш ҳамда унга инновацион йўналиш беришдан иборатдир.

Аграр соҳада инновацияларни жорий этиш маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат ва моддий харажатларни тежаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу ички ва ташқи бозорларда корхоналар ва уларнинг маҳсулотларининг рақобатбардошлигини, аграр соҳада ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини таъминлайди.

Инсоннинг ижодий қобилияти унинг инновацион салоҳиятининг асосидир. Ижодий шахслар ўзига хос хусусиятларга: қатъиятлилиқ, ишончлилиқ, кенг миқёсли ва истиқболли фикрлаш; ҳар қандай ғояларга мойиллик; ташаббускорлик; танқидий фикрлашларга эга бўлишади.

Илмий ва юқори технологияли бизнес соҳасида, юқори технологиялар соҳасида муваффақиятли фаолият юритиш учун билим, кўникма, шахсий фазилатларни уйғунлаштиришнинг ноёблиги ва самарадорлиги туфайли юқори даражадаги профессионаллиққа эга, инновацияларни яратишга қодир ва мослашувчан шахсларнинг етишмаслиги энг долзарб муаммо саналади.

Шу муносабат билан инновацион меҳнат салоҳиятини ривожлантиришни бошқаришнинг мутлақо янги механизмини яратиш зарурияти алоҳида долзарбдир. Ушбу механизм илм-фан ва таълимнинг устувор ривожланишини таъминлайдиган қулай инновацион иқлимни шакллантиришга, инновацион меҳнатни фаол рағбатлантириш асосида иқтисодиётда ички ўсиш манбаларини яратишга қаратилган бўлиши керак.

Бунинг учун корхоналар ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўртасидаги муносабатларни амалга ошириш мақсадида янги институционал асосдаги, янги турдаги


фаолият ва бозор сегментларини шакллантириш мантиғини ҳисобга олган ҳолда фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг янги моделларини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги вақтда Қашқадарё вилоятида инновацион инфратузилма ва илғор технологияларни жорий қилиш механизмлари яхши ривожланмаган. Инновацион жараёнларнинг суст ривожланиши, шунингдек, илмий-тадқиқот ташкилотларининг аниқ sanoat корхоналари билан ўзаро алоқасининг йўқлиги, юқори технологияларни тижоратлаштириш тажрибасининг етишмаслиги, ҳудудда амалга оширилаётган инновацияларнинг аксарияти илмий ва конструкторлик ташкилотларининг кўмагисиз, мустақил равишда маҳсулдор, маркетинг ёки ташкилий характер касб этиши билан тавсифланади.

Аграр соҳа ишлаб чиқаришида олий ва ўрта махсус аграр таълими ҳамда қишлоқ хўжалигида малакали ёш кадрларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратмасдан туриб, бутун ресурс салоҳиятини ривожлантириш ва технологик қолоқликни бартараф этиш мумкин эмас.

Аграр соҳада ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини оширишнинг самарали воситаси кластерларнинг ривожланиши ҳисобланади. Ҳудудларнинг инновацион ривожланишида таълим муассасалари муҳим роль ўйнайди ва улар нафақат кадрлар тайёрлаш, балки ҳудуддаги касбий таълим, фан, маданият ва бизнесни бирлаштириши керак. Таълим кластерининг қурилиши маълум бир таълим соҳасидаги бизнес лойиҳаларни, янги технологиялар, техникалар, интеллектуал маҳсулотларни лойиҳалаш ва ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни битта (худудий, функционал) зонада тайёрлаш учун замонавий тизимларни бирлаштириш зарурияти билан боғлиқ. Таълим хизматларининг буюртмачиси - иш берувчи учун таълим кластери инвестицияларнинг устувор йўналишларини аниқлашга имкон берадиган интеграциялашган амалиётга йўналтирилган билимлар фабрикасидир.

Таълим кластерига интеграциялашиш нафақат “таълим - фан - ишлаб чиқариш” учлигининг турли тузилмаларининг расмий бирлашмаси сифатида тушунилади, балки юзага келган муаммоларни ҳал қилишда ўта самарага эришиш учун уларнинг салоҳиятларини бирлаштиришнинг янги шаклини яратиш имконияти тушунилади (1-расм).



1-расм. Агротаълим кластери модели

Агротаълим кластери - бу аграр соҳанинг давлат ва маҳаллий бошқаруви, аҳолини иш билан таъминлашни бошқариш органлари, илм фан ва таълим ташкилотлари, ахборот-маслаҳат тузилмалари ҳамда аграр соҳа иш берувчиларини камраб оладиган ҳудудий модель ҳисобланади.

Кластерли ёндашув бизга профессионал аграр таълимни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг самарали воситаси ва натижада аграр соҳа кадрларини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг истиқболли воситаси бўлиб хизмат қилади. Кластернинг асосий иштирокчилари бир қатор имтиёзларга эга бўладилар.

Аграр соҳа мажмуи корхоналари таълим ташкилотларида “буюртма бўйича” кадрлар тайёрлашда турли даражадаги ўқув дастурларига эга бўлиш; кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни узоқ муддатли прогнозлаш ва режалаштириш билан шуғулланиш; нафақат талабга жавоб берадиган, балки кўпинча узоқ муддатли мақсадларга мувофиқ равишда ишлайдиган ходимларни қабул қилиш имкониятларига эга бўлади.

Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими ташкилотлари: кадрлар тайёрлаш ва малака талабларини аграр меҳнат бозори ва кластер доирасидаги иш берувчиларнинг талабларига мувофиқлаштириш орқали таълим хизматларига ва битирувчиларга талабнинг ошиши; аграр таълимнинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш; узлуксиз касбий таълим, кадрлар малакасини ошириш ёки қайта тайёрлаш учун ташкил этилган кадрлар тайёрлаш дастурлари соҳасида агробизнес корхоналари билан ҳамкорликни кенгайтириш имконияти; ўқув буюртмаларига ва қўшимча молиялаштириш манбаларига эга бўлиш; абитуриентлар ва талабаларни ўқишни тугатгандан сўнг кафолатланган иш жойи мавжудлиги билан рағбатлантириш каби афзалликларига эга бўладилар.

Худудий афзалликлар куйидагилардан иборат: Аграр соҳада талаб юқори бўлган ва ишга жойлашишга тайёр юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун шароит яратиш; меҳнат бозорини маълумотли ва касбий соҳада ишлайдиган кадрлар билан тўлдириш, бу эса аграр соҳадан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига кадрларнинг чиқиб кетишини камайтиради; ялпи худудий маҳсулот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, вилоятдаги ўқув юртлари битирувчиларининг иш қидириш вақтининг қисқариши ва касб бўйича банд бўлганлар сонининг кўпайиши; бандликни ошириш дастурларига ажратилган бюджет маблағларини тежаш.

Шуни таъкидлаш керакки, кластер доирасида таълим олаётган ёшлар учун ҳам ижобий истиқболлар кўзда тутилган: қисқартирилган дастур бўйича узлуксиз таълимнинг юқори даражаларини ўзлаштириш имконияти; ишлаб чиқариш шароитларига тез мослашиш; иш жойлари ва мартаба ривожланиш истиқболлари тўғрисида аниқ тушунчага эга бўлиш; олинган касб бўйича ишга жойлашиш имкониятларини ошириш.

Бизнинг фикримизча, Қашқадарё вилоятида агротаялим кластерини яратиш нафақат кадрларни тайёрлаш, балки аграр соҳа мажмуидаги кадрларни мотивациялаш ва сақлаш муаммосини ҳал этишга комплекс ёндошишга имкон беради.

Аграр таълими кластерининг модели тўрт босқичда амалга оширилади:

➤ биринчи даража - бу мактаб таълими, унинг доирасида бир қатор қишлоқ мактаблари базасида агросинфлар ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, унда мактаб ўқувчилари учун касбга йўналтириш, асосий касбларни пухта эгаллаш ва ишчи касбларнинг асослари бўйича ўқитиш амалга оширилади;

➤ иккинчи даража - мактаблар ва агролицейлар асосида бошланғич касб-ҳунар таълими олиш;

➤ учинчи даража вилоятнинг олий ва ўрта махсус аграр таълими ўқув юртларида юқори малака талаб қиладиган касбларни эгаллашни ўз ичига олади;

➤ тўртинчи даража - қўшимча касбий тайёргарлик, аграр кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим, шунингдек, ташкилотлар томонидан кадрлар тайёрлаш ва ривожлантириш бўйича кўрилатган чоралар.

Худудий қишлоқ хўжалигининг бошқарув органлари мажбуриятлари аҳоли бандлиги ва таълимни таъминлашдан иборат бўлади. Амалиёт шуни кўрсатадики, энг самарали кластерлар саъй-ҳаракатларни ихтиёрий равишда бирлаштириш асосида эволюцион шакллантирилади ва сунъий равишда кучларни бирлаштириш эса синергия ва ҳамкорликка тўсиқ бўлади, давлат тузилмаларининг роли турли дастур ва жараёнларни қўллаб-қувватлаш, мувофиқлаштириш ва йўналтиришдан иборатдир. Уларнинг иштирок этиш зарурати, давлат ҳокимиятининг аграр соҳада инсон капиталини шакллантириш масалаларига турли субъектларни фаол жалб қилиш учун рағбатлантирувчи воситалар ва уларнинг ўзаро жавобгарлигини ҳуқуқий мустаҳкамлашнинг турли моделларини яратиш билан боғлиқдир.

Худудий қишлоқ хўжалиги бошқармасининг асосий мақсади давлат томонидан тартибга солиш ва мувофиқлаштириш механизмлари орқали аграр соҳа мажмуи тармоқларини иқтисодий тармоқларини бошқа соҳалари ва фан билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат. Бош бошқарманинг вазифалари аграр соҳа мажмуасини давлат томонидан тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш; аграр соҳа мажмуаси тармоқларини мутаносиб ривожланишини таъминлаш; аграр саноат мажмуида табиий, моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Худудий меҳнат ва бандлик муносабатлари бошқармаси худудда аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатини амалга ошириш ва унинг самарадорлигини таъминлаш учун масъул орган сифатида аграр таълим кластери иштирокчилари таркибига киради.

Кластер доирасида иқтисодийнинг аграр соҳасида инсон капиталини шакллантиришнинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат:

✓ барча кластер қатнашчиларини меҳнат бозорида юзага келган вазият тўғрисида (аграр ихтисослик нуқтаи назаридан) хабардор қилиш;

✓ маълум касблар ва малакаларга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаш ва ўқув муассасаларини кадрларга бўлган талаб тўғрисида маълумот билан таъминлаш (янги ўқув йўналишларини очиш, мавжуд соҳаларда ишчиларни жалб қилиш, ўқув дастурларининг таркибий қисмларини бозор ва иш берувчиларнинг ўзгарувчан талабларига мувофиқ тузатиш);

✓ қишлоқ хўжалиги касбини танлаш ва келажакда ишга жойлаштириш рағбатлантириш учун касбий йўналтириш ишлари;

✓ ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, шу жумладан бошқа худудда ўқиш ва иш билан таъминлаш мақсадида бошқа жойга кўчиб ўтишни осонлаштириш.

Ижроия ҳокимиятнинг учинчи вакили Таълим ва ёшлар иттифоқи бўлиб, ушбу органнинг ваколати таркибига таълимни ривожлантириш бўйича худудий дастурларни ишлаб чиқиш, худудда умумий, бошланғич касб-хунар таълими тизимини ривожлантириш, давлат таълим стандартларининг худудий таркибий қисмларини ишлаб чиқиш киради.

Қишлоқ хўжалиги ташкилотлари зиммасига юклатилган асосий вазифа турли касблардаги кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва уларни тайёрлаш сифати ва тузилиши тўғрисида фикрлар билдиришдир. Талабни шакллантириш ҳар йили мақсадли шартнома асосида кадрлар тайёрлашга буюртма бериш учун худуднинг қишлоқ хўжалиги меҳнат бозори тўғрисида объектив тасаввурни шакллантиришдан иборат. Бундан ташқари, ташкилотлар ходимларни кўшимча касб-хунар таълими ва ўқишга йўналтирган ҳолда ўқишнинг тўртинчи босқичини амалга оширишда қатнашадилар.

Кластер таркибига кирувчи ташкилотлар худуд аграр таълими моддий-техник базасини такомиллаштиришда иштирок этиш (лабораториялар ва синфларни касб йўналиши бўйича билан жиҳозлаш орқали), стажировка ва вақтинчалик иш жойларини яратиш (ташкилий ва диплом олди амалиётлари даврида, ёзги таътил ва ўқишдан бўш вақтларида), шунингдек битирувчиларнинг илгари аризаларда ақс эттирилган малака касбларига қафолатланган иш билан таъминланиши учун масъулдирлар. Барча даражадаги ўқув муассасаларига келсак, уларнинг асосий вазифаси аграр меҳнат бозори талабларига қатъий мувофиқ равишда инсон капиталининг таълим ва малака таркибий қисмини тўғридан-тўғри шакллантиришдан иборат. Умумий ўрта мактаблар назарий маълумотларга эътибор қаратадиган ўқув режаси билан эмас, балки ўқувчиларни амалий фаолиятга жалб этадиган, қишлоқ хўжалигидаги асосий меҳнат кўникмалари ва касбий кадриятларини сингдирадиган фаол усуллардан кенг фойдаланган ҳолда касбий йўналтиришнинг асосий объекти бўлиши керак.

Кластер таркибидаги олий таълим муассасалари илмий ютуқларни ривожлантириш, амалий равишда синовдан ўтказиш ва тижоратлаштириш, бу бизга бир вақтнинг ўзида

кластернинг бошқа мақсадларини ишлаб чиқиш ва соҳада инсон капитали сифати ва қийматини ошириш имкониятларини амалга ошириш имконини беради.

Аграр таълим кластерини бошқариш учун мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш тавсия этилади, чунки тақдим этилган моделда иштирокчилар юридик шахс мақомини сақлаб қоладилар, ассоциация (иттифок)да нотижорат шериклик шаклида бирлашадилар.

Ушбу тузилманинг таркибига ОТМ раҳбарияти ва ўқитувчилари, бошланғич ва ўрта таълим муассасалари, ҳокимият вакиллари (қишлоқ хўжалиги, меҳнат ва бандлик, таълим ва ёшлар масалалари бўйича мутахассислар) киради.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг асосий мақсади узоқ муддатга мўлжалланган биргаликдаги фаолиятни доимий такомиллаштиришдаги ташкилий бирликни, салбий экологик ва ички омиллар таъсирига қаршилик кўрсатишни, ҳудуд қишлоқ хўжалигида инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантириш муаммосини ҳал қилиш учун шароит яратишни таъминлайдиган кластер аъзолари ўртасидаги муносабатлар механизминини яратишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, кластер доирасидаги тadbирлар қишлоқ ёшларини касбий йўналтиришга, умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун университетдан олдинги қўшимча тайёргарликни ўтказишга имкон беради ва таълимнинг барча босқичларида – агросинфлар, мактаблар, техникум ва коллежлардан бошлаб ОТМ ларида олий маълумот олишгача, олий ўқув юртидан кейинги таълим, шунингдек аграр соҳа мажмуи ишчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда қўшимча ўқишни ташкил қилиш имконини беради.

## АДАБИЁТЛАР

1. Manba: qalampir.uz. Жаҳон банки маълумотлари.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2019 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси"ни тасдиқлаш тўғрисидаги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони.
3. Курганский, С.А. Тенденции развития человеческого капитала в России // Известия ИГЭА. 2011. №2 [Электронный ресурс]. – <http://cyberleninka.ru/article/n/tendentsiirazvitiya-chelovecheskogo-kapitala-v-rossii>.
4. Инсон, капиталини ривожлантиришдаги узилишлар. Дарё.уз.
5. gazeta.uz/ru.
6. Ложко, В.В. Базисные инновации для перспективного социально-экономического развития России //Иновации. – 2007. – № 1. – С. 33-44.

## АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯХШИЛАШДА ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Хўжақулова Н.Р. – таянч докторант (ҚарМИИ)

*В статье выполнен анализ экономической основы и сущности выращивания лекарственных растений. В ней также приведены научные рекомендации, способствующие улучшению экономики страны путем развития возделывания лекарственных растений.*

**Ключевые слова:** лекарственные растения, развитие, экономическая эффективность, экономическая основа, инновация.

*The article analyzes the essence and economic basis of the cultivation of medicinal plants. There are also scientific proposals that will have a positive impact on the growth of our economy through the further development of the cultivation of medicinal plants.*

**Key words:** medicinal plants, development, economical effectiveness, economic basis, innovation.

Инсоният минг-минг йиллар давомида турли гиёҳлардан дардига даво топиб келган. Ўзбекистон доривор ўсимликлардан фойдаланиш бўйича дунё давлатлари ўртасида ўзига хос тарихий ўрни ва нуфузига эга. Аждодларимиз айниқса, доривор ўсимликларнинг хусусиятини яхши билишган, уларни самарали қўллай олишганлиги тарихдан яхши маълум. Бундан 11 аср аввал бобоклонимиз Абу Али Ибн Сино доривор ўсимликларни тиббиётда амалий жиҳатдан фойдаланиш самарасини исботлаган. Ушбу энциклопик олимнинг буюк ва оламшумул аҳамиятга эга бўлган илмий-тадқиқот ишлари натижалари бутун дунё олимлари томонидан тан олинди, асрлар оша ҳозирги кунда ҳам унинг асарларидаги ноёб маълумотлар инсоният учун турли хил хасталикларга даво топиш йўлида дастуруламал бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон табиий ва географик жиҳатдан доривор ўсимликларга бой ҳисобланади. Бу ерда табиий ҳолда 4500 турга яқин ўсимликлар учрайди. Шулардан 1200 га яқин ўсимлик турлари дориворлик хусусиятига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар дунёсининг бойлигидан далолат беради.

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд доридармонларнинг 60 % ини доривор ўсимликлар хом ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида 112 тур доривор ўсимликлардан таъбиотда фойдаланишга расмий рухсат берилган бўлиб, ушбу доривор ўсимликларнинг 80 % ини табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ташкил этади. Ўзбекистонда ўсимликлар дунёси тур таркибининг хилма-хиллигини сақлаб қолиш мақсадида давлатимиз томонидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган: 1992 йил 9 декабрда “Табиатнинг муҳофазаси тўғрисида”, 1993 йил 7 майда “Ўта муҳим қўриқланадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, 1997 йил 26 декабрда “Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунлар; 2004 йил 20 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 290-сонли “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб таомилларидан ўтиш тўғрисида”ги Қарори шулар жумласидандир. Бундан ташқари, 2020 йил 10 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “ Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” қабул қилинган ПҚ-4670-сонли Қарори доривор ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш, плантациялар ташкил этиш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялашга қаратилгандир [1].



Зеро, таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш, фармацевтика саноатини халқаро талабларга жавоб берадиган доривор ўсимликлар хом ашёси билан узлуксиз таъминлаш, импорт ҳажмларини камайтириш, хорижий давлатларда талаб юқори бўлган турларини плантация усулида кўпайтириш орқали экспорт ҳажмларини ошириш, ёввойи ҳолдаги доривор ўсимликларни сақлаш ва майдонларини кенгайтириш бугунги кунда долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади [2].

Бугунги кунда дунё давлатларида табиий дори воситаларига бўлган талаб йилига 6-7 фоизга ортиб, халқаро экспертлар прогнозига кўра, 2020 йилда йиллик товар айланмаси 35 млрд доллардан ошади.

Хитой, Ҳиндистон, Канада ва АҚШ каби давлатлар ёввойи ҳолда ўсаётган доривор ва зиравор ўсимликларни сақлаш, маданий плантация усулида кўпайтириш борасида катта тажриба ва салмоққа эга.

Мисол учун, Хитойнинг доривор ўсимликлар ва дори воситалари ўртача йиллик товар айланмаси 100 млрд. долларни, экспорт ҳажми 1млрд. долларни, импорт эса 274 млн долларни ташкил этади.

Бугунги кунда дунё давлатларида 12 минг турдаги доривор ўсимликларнинг мингдан ортиғи, Ўзбекистонда эса бир минг икки юз турдаги доривор ўсимликларнинг 112 таси фармацевтика саноатида ишлатилади [3].

Ушбу йўналишда республикадаги мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида доривор ва зиравор ўсимликларни ёввойи ва маданий усулда етиштиришни тизимли йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чоралар кўрилмоқда.

2018 йилда республика бўйича фермер хўжаликлари, бошқа ташкилот ва корхоналар тасарруфидаги ер майдонларида 54,6 минг гектарда доривор ўсимликлар етиштирилиб, ички ва ташқи бозорга йўналтирилган. 2020-2023 йиллар давомида доривор ўсимликлар плантацияларини 103,7 минг гектарга етказиш режалаштирилмоқда. Аммо шунга қарамай, афсуски бугунги кунга келиб табиий доривор ўсимликлардан фойдаланиш

даражаси талабга жавоб бермайди. Олинган маълумотларга кўра, биргина юртимизда истеъмолдаги 6400 хилдаги дори воситаларининг атиги 2,3 % табиий дори воситаси ҳисобланади.

Табиий ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг ҳам хом ашё захираси чегараланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, хом ашё захирасидан тўғри фойдаланиш ва кўпайтиришнинг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан биридир. Шунинг учун Ўзбекистонда фармацевтика саноатининг эҳтиёжларини доривор ўсимликлар хом-ашёси билан таъминлаш, маҳаллий флорани янги интродуцент ўсимлик турлари билан бойитиш ва уларни етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш зарур. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида доривор ўсимликларни ўстириб




1-расм. 2019 йилда Республикада доривор ўсимликларни етиштириш даражаси (вилоятлар кесимида)

етиштирадиган махсус хўжаликлар Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё ҳамда Тошкент вилоятларида ташкил этилган (1-расм) [4].

Илмий тадқиқотлардан бизга маълумки, доривор ўсимликларнинг дориворлик хусусияти ҳамма жойда ҳам бир хил бўлавермайди. Ўсимликларнинг ўзида дориворлик хусусиятини сақлаб қолиши ўша ер тупроғининг таркибига ҳамда табиий иқлим шароитига бевосита боғлиқдир. Бироқ, ҳозирда соҳадаги илмий тадқиқотлар, доривор ўсимликларни табиий усулда кўпайишига шароитлар етарли эмаслиги боис йилига 3-4 та ўсимлик “Қизил китоб”га киритилмоқда. Жумладан, тожик коврагининг захираси бор-йўғи 105 тоннани ташкил этади. Ширинмия, туркистон аюгаси, жигарўти, иттиканак, Самарқанд бўзночи каби доривор ўсимликлар захиралари йўқолиб кетиш арафасида. Шу боис 50 та турдаги доривор ўсимликларни етиштириш учун табиий ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, туманларни ихтисослаштириш амалиётининг жорий этилишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида айтиб ўтилган ПҚ-4670-сонли Қарорида алоҳида эътибор берилган.

Хусусан, Дехқонобод, Узун, Бойсун, Қизириқ туманлари тожик коврагига; Яккабоғ, Поп, Чуст, Бўстонлик, Пискент, Риштон туманлари доривор валерианага; Китоб, Оҳангарон туманлари доривор мавракка; Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм вилоятлари эса қизилмия етиштиришга ихтисослаштирилади. Бундан кўриниб турибдики, биз доривор ўсимликларни сақлаб қолиш билан бир қаторда уларни дориворлик хусусиятини ҳам йўқотмаслигимиз учун уларни етиштиришда ҳудудлар бўйича тўғри жойлаштиришимиз зарур.

Қашқадарё вилоятининг табиати, айниқса тоғ ва тоғ олди ҳудудлари қулай иқлим шароитига кўра бой ва турли хил ранг-барангликка эга. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бу ерда илмий тиббиётда қўлланиладиган ёки тавсия қилинадиган 120 дан ортиқ, халқ табобатида фойдаланиладиган 1000 дан ортиқ ўсимликлар турлари учрайди. Лекин, айти пайтда расман ҳам ашё сифатида фойдаланиладиган доривор ўсимликлар тури 40 тадан ошмайди. Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимида 8 та ўрмон хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Бу ўрмон хўжаликлариди жами 50 га яқин доривор ўсимликлар турлари етиштирилиб келинади. Қуйидаги 2- расмда вилоятнинг ўрмон хўжаликлариди етиштирилган жами доривор ўсимликлар ҳажмининг 2017-2019 йиллардаги ўзгариши графиги келтирилган.



2-расм. Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги бошқармаси тизимидаги ўрмон хўжаликлариди 2017-2019 йиллар давомида доривор ўсимликларни етиштириш ҳажми тўғрисида маълумот (тоннада)

2-расмдаги график маълумотлари таҳлилидан Қашқадарё, Дехқонобод, Китоб, Қамаши, Жовуз ҳамда Шўртан давлат ўрмон хўжаликлариди 2019 йилда 2017 йилга нисбатан доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмининг ўсишини, Муборак ва Яккабоғ давлат ўрмон

хўжаликлариди эса бу кўрсаткични пасайганини кўришимиз мумкин. Аммо шунга қарамай, вилоятда жами доривор ўсимликлар етиштириш ҳажми 2017-2019 йилларда 414,59 минг тоннадан 835,04 минг тоннага етган. Бу эса 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 420,45 минг тонна яъни, 201,4 % кўп доривор ўсимликлар етиштирилганлигини кўрсатади [5].

Ушбу диаграммада келтирилган маълумотларнинг ўсиш кўрсаткичларига қарамай, бугунги кунда доривор ўсимликларни етиштириш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳамда таҳлиллар нафақат вилоятимизда, балки бутун мамлакатимизда ҳам ушбу соҳада мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётганини кўрсатиб турибди.

Айниқса, бутун дунёда вирусли-инфекцион касалликлар авж олган ҳозирги даврда ўсимлик хом ашёларидан тайёрланадиган ҳамда инсон организми учун зарарсиз, инсон иммунитетини кўтарадиган табиий дори-дармонларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бу ҳол шифобахш ўсимликлардан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Бундан ташқари доривор ўсимликларни етиштириш яхшигина даромад манбаи бўлиб ҳам ҳисобланади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, маданий ҳолда 1 гектар валериана илдизи етиштириш учун 11 млн. сўм сарфланиб, 50 млн. сўм даромад олинар экан. Бунда соф фойда 39 млн. сўмни ташкил этади. Маданий ҳолдаги тожик ковраги етиштириш учун эса 45 млн. сўм сарфланиб, 63 млн. сўм даромад олинади. Соф фойда эса 18 млн. сўмдан иборат бўлади. Коврак ширасини қайта ишлаб, ярим тайёр маҳсулот шаклида, шунингдек қайта ишланган кизилмия илдизи экстрактини ярим тайёр маҳсулот кўринишида 180 млн. АҚШ долларигача экспорт қилиш мумкин.

Коврак ўсимлиги ҳақида батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, коврак зирадошлар оиласига мансуб бўлиб, ер юзида унинг 170 дан зиёд тури мавжуд ва мамлакатимизда 50 тури учрайди. Смола-елим олиш учун сассиқ коврак, Қуҳистон ковраги каби 10 тури ишлатилади. Табиатда сассиқ коврак кенг тарқалган бўлиб, елим-смола асосан шу турдан олинади. Коврак асосан, кумли чўллар, адирлар, тоғлар ва тоғ олди ялангликларда, соф тупроқли ерларда ўсади. Ундан халқ табобатида азалдан хавfli шишлар ва захм касаллигини даволашда, ундан олинадиган елим-смоланинг спиртли тиндирмаси астма, томир тортиши ва асаб касалликлариди ишлатилган.

Тиббиётда коврак елим-смоласи - *assa-foetida* номи билан кукун, эмулсия ва спиртли тиндирма ҳамда оғриқ қолдирувчи ва тинчлантирувчи восита сифатида ишлатилади. Шарқ мамлакатларидан Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва Афғонистонда унинг елими ва илдизи кулинарияда зиравор сифатида, косметика саноатида атторлик воситалари ишлаб чиқаришда ишлатилади. Коврак ўсимлиги томир тортиши, ўпка сили,ўлат, захм, кўкйўтал, тиш оғриғи, асаб ва бошқа касалликларни даволовчи, инсонга қувват берувчи, балғам кўчирувчи ва гижжа ҳайдовчи дориворликда тенги йўқ ўсимлик ҳисобланади (1-жадвал).

1-жадвал

**Қашқадарё вилоятидаги коврак ўсимлиги табиий равишда ўсадиган майдонлар тўғрисида умумлаштирилган маълумот, гектар ҳисобида (2018 й.)**

№	Туманлар номи	Табиий ўсган коврак майдонлари	шундан			
			зич ўсган майдон	ўртача ўсган майдон	сийрак ўсган майдон	Олдин мавжуд бўлиб, ҳозирда йўқолиб кетган майдон
1.	Дехқонобод тумани	38879	-	21775	13133	3970
2.	Қамаши тумани	1390	-	-	689	701
3.	Нишон тумани	1436	-	620	816	-
4.	Миришкор тумани	5866	355	3102	2409	-
5.	Муборак тумани	435	-	80	355	-
Вилоят бўйича жами		48005	-	25577	17402	4671

Юкорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар, истиқболда доривор ўсимликларни етиштиришни янада ривожлантириш нафақат аҳолини табиий дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, шу билан бир каторда иқтисодиётимизни ўсишига ижобий таъсир кўрсатишини исботлаб турибди. Бунинг учун эса куйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

➤ доривор ўсимликлар ўсиши учун қулай ҳудудларда махсус плантациялар ташкил этиш, шу жумладан етиштиришнинг интенсив технологияларини жорий этиш орқали ва табиий ўсиш майдонларидан оқилона фойдаланган ҳолда уларни етиштириш ҳажмларини босқичма-босқич ошириб бориш;

➤ плантацияларни ташкил этиш, доривор ўсимликларни саноат асосида чуқур қайта ишлаш ҳамда улардан юкори кўшилган қийматга эга бўлган экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқариш доирасида тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви органлари, барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзарo ҳамкорлигини самарали ташкил этиш;

➤ доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш;

➤ доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция дастурлари ва лойиҳаларининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670- сонли Қарори.
2. Эргашев Р.Х. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик).-Тошкент, “Иқтисод- молия”, 2018, 402 б.
3. Тўхтаев Б.Ё., Маҳкамов Ё.Х. ва бошқалар. Доривор ва озуқабop ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш ва хом ашёсини тайёрлаш - (йўриқнома), -Тошкент, 2015 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат Қўмитасининг 2017-2019 йиллар маълумотлари.
5. Қашқадарё вилоят ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2017-2019 йиллар маълумотлари